БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 95 (18.871). • Сешанба, 24 апрель 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРИШ ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН САБОТ БИЛАН ҚУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

«КОММУНИСТ» ЖУРНАЛИГА

КПСС Марказий Комитети «Коммунист» журналининг редакцион коллегиясини, барча ходимларини, авторлар активини ва журналхонларни журналнинг биринчи сони босмадан чиққан кунининг 60 йиллиги билан самимий табриклайди.

РКП(б) Марказий Комитетининг қарорига биноан ташкил этилган «Большевик», сўнгра «Коммунист» журнали партиянинг идеологик фаолиятида жуда катта роль ўйнади, ҳамиша илғор марксча-ленинча тафаккур минбари, революцион назария ва партия сиёсатининг оташин пропагандисти бўлиб келди. Ижодий марксизм анъаналарига, Ленин ғояларига содиқ бўлган журнал КПССнинг революцион-ўзгартирувчилик фаолиятида, социалистик ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда унинг синалган жанговар ёрдамчисидир.

Илмий коммунизм назариясини ишлаб чиқишга журнал катта ҳисса қўшмоқда. Журнал ривожланган социализмнинг хилма-хил проблемаларига, уни такомиллаштириш йўлларига эътиборни жалб этиб, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари йўл-йўриқларини амалга оширишга, партиянинг социалистик хўжалик юритиш даражасини, уюшқоқлик ва интизомни, кадрларнинг ишчанлиги ва масъулиятини бутун чоралар билан оширишга қаратилган йўлини рўёбга чиқариш учун қатъият билан курашмоқда. Партия комитетлари ва ташкилотлари билан, кенг журналхонлар оммаси билан кундалик узвий алоқа журналнинг партиявий ғоявий-сиёсий ишлари бой тажрибасини ҳар томонлама умумлаштиришга, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг ташаббуси ва куч-ғайратини Совет давлати иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга сафарбар этишда актив қатнашиш имконини бермоқда.

«Коммунист» журналининг мақолалари мамлакатимиз ва чет эллардаги журналхонларда ҳамиша зўр қизиқиш уйғотмоқда. Уларда социалистик ҳамдўстликнинг ривожланиши, жаҳон революцион жараёни, халқларнинг тинчлиқ, демократия ва социал тараққиёт учун, империализм агрессив кучларининг авантюрачилик хатти-ҳаракатларига қарши олиб бораётган курашининг актуал проблемалари илмий асосда ёритилмоқда. Журнал ўз ишида пролетар, социалистик интернационализм принципларини изчил қарор топтиришга, буржуа ижтимоий тузумининг, эксплуататорлик моҳиятини, антисоветизм ва антикоммунизмни фош этишга асосий эътибор бермоқда.

«Коммунист» журналининг олтмиш йиллиги партия ғоявий ҳаётидаги муҳим воқеадир. КПСС Марказий Комитети журнал бундан буён ҳам партиянинг ғоявий-назарий фаолиятида актив қатнашаверади, ижтимоий ривожланишнинг энг ўткир проблемаларини чуқур таҳлил этаверади, марксизм-ленинизмни, КПСС билан Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини ишонарли тарзда пропаганда қилиб, ғолибона коммунистик ғояларни оммага етказаверади, деб қатъий ишонч билдиради. Шубҳа йўқки, журнал марксизм-ленинизм назарияси софлигини бутун чоралар билан қаттиқ туриб ҳимоя қилади, буржуа турмуш тарзини қатъият билан фош этиб, душман идеологиясига қарши, оппортунистлар ва ревизионистларнинг реал социализмга нисбатан хуружларига қарши курашаверади.

КПСС Марказий Комитети «Коммунист» журналининг редакцион коллегиясига ва бутун коллективига, унинг авторлари ва журналхонларга Маркс, Энгельс, Ленин революцион таълимотининг, тинчлик ва коммунизм идеалларининг тантанаси учун муштарак курашимизда янгидан янги муваффақиятларга эришишни астойдил тилайди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

МУСОБАҚА-ЗАФАРЛАР ГАРОВИ

Ўзбекистон ва Тожикистон пахтакорларининг анъанавий мусобақаси давом этади. Бу йилги мусобақа КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошириш белгиси остида ўтказилади.

Ўзбекистон ССР, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз билан Тожикистон ССР, Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашларининг анъанавий социалистик мусобақаси узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Шартномада КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан белгиланган улкан тадбирлар ўз ифодасини топди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун кураш ишимизнинг ғоят муҳим бўғинидир. Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати, ҳар бир коллективнинг, олимлар ва мутахассисларнинг куч-ғайратлари мана шунга қаратилмоғи лозим» деган йўл-йўриқлари мусобақанинг туб негизини ташкил этади.

Қуйида хўжалик йилини яхши бошлаган ва юксак кўрсаткичлар билан якунлашга аҳдлашган икки қардош ва мусобақадош колхоз вакилларига сўз берилади.

ОЛИЙ СИФАТ УЧУН ЮКСАК САМАРА

Ўн биринчи беш йиллигининг ҳал қилувчи босқичи 1984 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилишда ички имконият ва резерврларимизни тўла ҳисоба олдик. Партов ерларни ўзлаштириш, ҳосилдорликни оширишни биринчи ўринга қўйдик. Бошқачасига айтганда, бу йил колхозимиз бўйича гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз. Ялпи ҳосилнинг 2000 тоннасини «зангори кема»ларда териб оламиз. Тошканбой Темиров, Турдиали Жўраев, Абдували Бименов, Иловитдин Ваҳобовлар бошлиқ бригадаларимиз ҳосилдорликни гектар ҳосилига 45—50 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Механизаторларимизнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Улар чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган барча ишларни машина-механизмлар воситасида комплекс равишда бажариш, ёнилғи, мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмларни тежаш, бир вақтнинг ўзида уч-тўрт хил ишлар туркумини бажариш, техника воситаларининг бекор туриб қолишига йўл қўймасликка сўз бердилар. Муротали Тошбоев, Омонбой Собиров, Турсунбой Муқимбоев, Бошманали Темиров, Нуроқбой Бозоров ва бошқа азамат механик-ҳайдовчиларимиз ҳамиша сўз бериб бажариб келдилар. Улар бу йил ҳам қирқ центнерлик маррани эгаллашимизда байроқдор бўладилар, албатта.

Мусобақадош тожик дўстларимизга шуни ҳам маълум қиламизки, колхозимиз бўйича меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш билан 150 минг сўмга яқин соф фойда оламиз. Бу борада бригадалар, автотрактор парки, чорва комплекси ва бошқа тармоқларга конкрет топшириқлар берилиб, ижроси текшириб борилмоқда.

Агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгашида ҳар бир кун, ҳар бир соат ҳозир бўлажак ҳосилга замин яратишга бағишланиши лозимлиги уқтирилди. Биз қишлоқ хўжалик экинларининг барча турларидан эртаги ва юқори ҳосил олиш учун чигит, маккажўхори, озуқабоп ва бошқа хил экинлар экишни энг яхши агротехника муддатларида уюшқоқлик билан ўтказдик. Парваришни оммавий равишда бошлаб юбордик.

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда олдимизда катта вазифалар турибди. Қорамоллар, қўйлар, йилқилар ва бошқа турдаги қайвонларни туёқ сони ҳисобига кўпайтириш билан бир қаторда маҳсулдорлигини оширишимиз керак. Умумий чорва моллар туёқ сони жиҳатдан мусобақадошларимиз олдинда турадилар. Уларнинг тажрибасини ўрганишимиз ва ўзимизда кенг қўлланишимиз лозим. Мусобақадошларимизга шуни қувонч билан хабар қиламизки, колхозимиз йиллик гўшт тайёрлаш ва давлатга сотиш планини ҳозирдаёқ бажарди. Сут ва тухум сотиш жадал суръатлар билан давом эттирилаётир.

▲ПАРТИЯ ДАЪВАТИГА ЖАВОБАН

▲ МЕХАНИЗАТОРЛАР — МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМИ

▲ ҲАР БИР КУН, ҲАР БИР СОАТ БЎЛАЖАК ҲОСИЛГА ЗАМИН ЯРАТИШ УЧУН САРФЛАНЯПТИ

▲ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

Чорвадорларнинг илғор иш усулларини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқдамиз. Масалан, моҳир ферма ходимларидан Муборак Мирзалиева ўтган йили ўзига биркитилган ҳар бош сигирдан 5890 килограммдан сут соғиб олган эди. Бу йил 6000 килограммлик маррани эгаллаш учун курашяпти. Тожихон Раисбоева, Улжон Пернабиева, Жумагул Турғунбоева сингари чорва жонкуярлари ҳам ҳар бош сигир маҳсулдорлигини бултургидан 250—300 килограмм ошириш ниятида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Хўжалигимиз бўйича 1200 тонна сут тайёрлашни шарафли бурчимиз деб биламиз ва бунга эришамиз. Гўшт, тухум, жун миқдорини эса социалистик мусобақа шартномасида кўрсатилганидан анча оширамиз. Колхозимиз фаолиятида чорвачилик тайёрлаш ва давлатга сотиш планини ҳозирдаёқ бажардик. Сут ва тухум сотиш жадал суръатлар билан давом эттирилаётир.

Чорвадорларнинг илғор иш усулларини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқдамиз. Масалан, моҳир ферма ходимларидан Муборак Мирзалиева ўтган йили ўзига биркитилган ҳар бош сигирдан 5890 килограммдан сут соғиб олган эди. Бу йил 6000 килограммлик маррани эгаллаш учун курашяпти. Тожихон Раисбоева, Улжон Пернабиева, Жумагул Турғунбоева сингари чорва жонкуярлари ҳам ҳар бош сигир маҳсулдорлигини бултургидан 250—300 килограмм ошириш ниятида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Хўжалигимиз бўйича 1200 тонна сут тайёрлашни шарафли бурчимиз деб биламиз ва бунга эришамиз. Гўшт, тухум, жун миқдорини эса социалистик мусобақа шартномасида кўрсатилганидан анча оширамиз. Колхозимиз фаолиятида чорвачилик зарбдор фронт бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Донгдор пиллакорларимиз кўп. Уларнинг сафи йил сайин кенгаймоқда. Бу йил пиллачилик бригадаларимиз, звеноларимизнинг ҳаммаси рекорд ҳосил учун кураш бошлади. Хўжалигимиз бўйича камида 20 тонна «кумуш тола» тайёрлаймиз.

Сабзаводчилар, картошкачи, боғбон-соҳибкор, полизчиларимиз ҳам маҳсулотлар тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. 1125 тонна сабзавот, 340 тонна картошка, 1368 тонна мева, кўплаб узум ва полиз маҳсулотлар тайёрлаб, унинг катта қисмини тайёрлов ташкилотларига юқори сорт билан етказиб берамиз.

Чорва қишловига тайёргарликни ҳозирданоқ бошладик. Юқорида айтиб ўтилганидек, озуқабоп экинлар экиб бўлиниб, парвариши кучайтирилаётир. Ўрим-йиғимни энг яхши муддатларда ўтказиш билан дон, ҳусусан маккажўхори дони, дағал хашак, беда пичани, ширали озуқа, силос, сенаж, лавлагини ўтган йилдагидан анча кўпроқ тайёрлаймиз ва тўйимлилик даражасини пасайтирмасдан сақлаймиз. Мутахассисларнинг ташкилотчилик ролини бутун чоралар билан кучайтирамиз. Меҳнаткашлар орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларининг таъсир даражасини кенгайтириб, белгиланган тадбирларнинг тўла амалга оширишга эришамиз.

Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, олдимизда дон, техника экинлари етиштиришда ва халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда яна ҳам юксакроқ марраларга эришиш вазифаси турибди. Колхозимиз аъзолари қўйилган барча вазифаларни шараф билан бажариб, мусобақадошлари олдида юзлари ёруғ бўладилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйини зўр хурсандчилик билан кутиб оладилар.

Ў. ЖЎРАЕВ — Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси. Қ. АҲМАДЖОНОВ — партия комитети секретари. Э. НАЗАРОВ — касаба союз комитети раиси. А. ОТАХОНОВ — комсомол комитети секретари.

Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз меҳнат аҳли билан социалистик мусобақа боғлаганимизга қарийб 20 йил бўлди. Шу давр ичида ҳар икки колхоз ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, иқтисодий жиҳатдан юксалди. Мусобақа тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги абадий дўстликнинг ёрқин тимсолига айланди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко «Келгуси режалар тўғрисида гапирганда оддий бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак: яхшироқ яшаш учун яхшироқ ишлаш лозим» деди. Бу мақсадга эришувда социалистик мусобақа қудратли куч бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Нега деганда, имзоланган шартнома қандай бажарилаётганини текшириш жараёнида ютуқлар ўртоқлашилади, камчиликлар танқид қилиниб, бартараф этилади. Ниҳоят, ялпи юксалишга эришилади. Ўтган йилда пахтачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни комплекс ривожлантириш, маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришда эришилган муваффақиятлар бунинг ёрқин далилидир.

1984 йилда қиладиган ишларимиз эса ҳар йилдагидан катта. Мусобақадош ўзбек дўстларимиз билан имзоладан шартномага асосан колхозимиз давлатга 9350 тонна «оқ олтин» сотади. Ялпи ҳосилнинг 5600 тоннаси «зангори кема»ларда терилади. М. Ҳожиев, Ч. Ботиров, Ғ. Жалилов, Х. Алиқулов, Ў. Меликулова, З. Мамарасуловлар бошлиқ бригадаларимизда ҳосилдорлик гектар ҳосилига 45—52 центнерга кўтарилади. Юқори сорт пахта миқдори ўтган йилдагидан кўпайтирилади.

Пахтачиликдаги ана шу вазифаларни шараф билан бажармоқ учун гўза парваришини қизғин давом эттиряпмиз. Гектарларнинг тўла, уялар ва кўчат сонининг бут бўлишига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Пахтакорлар ибораси билан айтганда, бир супра жойни бўш қолдирмай чигит экдик. Ўстиришга ҳар гектар ер ҳисобига кўзда тутилганидан 12—15 процент ортиқ кўчат қолдирамиз. Дастлабки уруғ қадалган майдонларда иккинчи комплекс парваришни бошладик. Бегона ўтларни илдизи билан йўқотиб, дастлабки озиқлантиришни бултургидан 10 кун олдин тугаллаймиз. Ана шунга ўхшаган тадбирлар бригада бошлиқлари, механизаторлар, бободеҳқонлар, мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Ижроси мунтазам текшириб борилмоқда.

Йилнинг ўзига хос ҳусусиятларидан иккита мисол келтирамиз. Биринчиси, барча пахтачилик бригадаларимизни пудрат усулида ишлашга кўчирдик. Натижада ер, ўғитлар, сув, техника воситаларига эгалик яхшиланди. Бригадаларнинг аъзолари ҳосилдорликни ошириш мақсадида ҳар гектар ер ҳисобига 25—30 тоннадан органик ўғит жамғардилар. Иккинчиси, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтиришни қоида қилиб қўйдик. Бутун иш жараёни шу асосда олиб борилаётир. Бир сўз билан айтганда, 9350 тонна «оқ олтин» етиштириш учун нималар лозим бўлса, ҳамасини бажарамиз. Партия ташкилотлари, мусобақадошларимиз олдида берган сўзимизнинг устидан, албатта чиқамиз.

▲ ДЎСТЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

▲ ГЕКТАРЛАРНИНГ ТЎЛА, УЯЛАР ВА КЎЧАТ СОНИНИНГ БУТ БЎЛИШИГА АЛОҲИДА ЭТИБОР БЕРМОҚДАМИЗ

▲ «ОҚ ОЛТИН»ДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ — АСОСИЙ ШИОРИМИЗДИР

▲ ҲАММА ЖОЙДА ТАШАББУСКОРЛИК ВА МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ КЎРСАТАМИЗ!

Хўжалик йилининг биринчи ҳосили пилла. Ипак қурти боқишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик. Бу йил давлатга 32,7 тонна «кумуш тола» армуғон этамиз. Пиллачилик сардорларидан Тожихон Сатторова, Саидбиби Раҳимова, Иноятхон Жўраевалар ҳар қути ипак қурти ҳисобига 115—120 килограмм пилла олиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Илғорлар ташаббусини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўрамиз. Сортнинг юқори бўлишини таъминлаймиз.

Мусобақадош биродарларимизга 600 тонна гўшт, 3100 тонна сут, 800 минг дона тухум, 18,6 центнер жун етиштиришга аҳд қилганимизни айтиб ўтмоқчимиз. Бунга эришмоқ учун сигирларнинг қисир қолишига барҳам берамиз. Совлиқлардан эгиз қўзилар олишни кўпайтирамиз. Бўрдоқичиликни тараққий эттириш ҳамиша диққат марказимизда бўлади.

Қорамоллар тирик вазнини ошириш; сигирлар сутини кўпайтиришда мусобақадош дўстларимиздан орқада қолаётганимизни эътироф этамиз. Молбоқарларимиз, сигир соғувчиларимиз бундан хабардор. Муҳаббат Хидирова, Қурбоной Жўраева, Қизларсаро Мустанова, Муҳаббат Шомухонова каби ферма ходимларимиз ўзларига биркитилган ҳар бош соғин сигирдан 4500 килограммгача сут соғиб олишга сўз бердилар. Уларнинг тажрибасини кенг қўламда оммалаштирмоқдамиз. Шу йилнинг ўзидаёқ сигирларнинг маҳсулдорлиги жиҳатдан мусобақадошларимизга тенглашамиз. Қорамоллар, шу жумладан, сигирлар, қўйлар, паррандаларнинг умумий сони жиҳатдан мусобақадошларимиз бизга етиб олишларини истаймиз. Бу борада уларга амалий ёрдамлар беришга тайёрмиз.

Кези келганда хўжалигимиз бўйича 2185 тонна дон, 2285 тонна сабзавот, кўплаб мева-узум, полиз маҳсулотлари тайёрлашга азмн қарор қилганимизни ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Ниҳоят, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш учун 12 минг тонна дағал хашак, шу жумладан, 3 минг тонна сенаж, 7250 тонна пичан, 20 минг 300 тонна силос жамғарамиз. Лавлаги, сомонни ўтган йилдагидан анча кўпайтирамиз ва яхши сақлаймиз.

Партия ташкилотларимиз жанговар, халқимиз меҳнатсевар. Шундай экан, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ташаббускорликни кучайтириб, нишонга олган чўққига кўтариламиз, албатта. Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини юксак социалистик мажбуриятларимизни бажариш билан кутиб оламиз.

А. МИРЗАЕВ — Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. А. АЗИМОВ — партия комитети секретари. Г. ХУДОЙБЕРДИЕВ — касаба союз комитети раиси. М. ШУКРУЛЛАЕВ — комсомол комитети секретари.

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

21 апрель куни илғор корхона ва ташкилотлар коллективларининг ташаббусига биноан Москвада В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик бўлди.

Пойтахт меҳнаткашлари шанбаликдаги фидокорона ишлари билан КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлашларини, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайлангани якдиллик билан маъқуллаганликларини намойиш этдилар.

Коммунистик шанбалик ҳақиқий меҳнат байрами, пойтахтнинг турмушидаги муҳим сиёсий воқеа бўлди, уюшқоқлик билан ўтди, халқ хўжалигида юксак натижалар берди.

Шанбаликда 6,9 миллион москвалик қатнашди. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг ходимлари асосан ўз иш жойларида меҳнат қилдилар. Корхоналарнинг меҳнат коллективлари шу кун учун олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар, бир неча ўн миллион сўмлик саноат маҳсулоти ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқардилар. Шу маҳсулотларнинг анчагина қисми тежаб қолинган материаллардан ва тежалган энергетика ресурслари ёрдамида тайёрланди.

Москвалик қурувчилар шанбаликда зарбдор меҳнат қилдилар. Улар шаҳарнинг ишга туширилиадиган энг муҳим объектларида ишладилар ва 14,6 миллион сўмлик пудрат ишларини бажариб бердилар.

Шаҳар корхоналари ва ташкилотлари шу куни қилган ишлари учун олинадиган 32,3 миллион сўм иш ҳақи ва фойдани ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказдилар.

ОЧИҚ КОСМОСДА ИШЛАДИЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 23 апрель. (ТАСС). «Салют-7» —«Союз Т-11» — «Прогресс-20» орбитал комплексининг экипажи учишнинг планлаштирилган программасини бажаришни давом эттирмоқда.

Бугун космонавтлар Леонид Кизим билан Владимир Соловьев очиқ космосга чиқиб, бундан кейин станция ташқарисида планлаштирилаётган ишлар учун тайёргарлик операцияларини бажардилар.

Москва вақти билан соат 8 дан 31 минут ўтганда станциянинг чиқиш эшиги очилиб, командир борт инженер билан биргаликда очиқ космик фазога чиқди. Улар станциянинг ўтиш бўлмасидан йиғма махсус зинани, асбоблар ва зарур материаллар жойланган контейнерларни чиқариб олиб, сўнгра уларни иш жойига келтириб қўйдилар. Космонавтлар зинани ёйиб, уни станциянинг сиртқи юзасига ўрнатдилар. Контейнерлар ҳам шу ерга маҳкамлаб қўйилди.

Шу иш ва бошқа тайёргарлик операциялари бажариб бўлинганидан кейин космонавтлар станция хонасига қайтиб кирдилар. Леонид Кизим билан Владимир Соловьев очиқ космосда ҳаммаси бўлиб 4 соату 15 минут иш бажарди. Тадқиқотчи-космонавт Олег Атьков космонавтлар ташқарига чиққан пайтда станциянинг иш бўлмасида туриб борт системаларининг ишини кузатди, командир ва борт инженер билан алоқа боғлаб турди.

Очиқ космосда ишлаш вақтида Учишни бошқариш маркази экипажнинг ҳамма аъзолари билан радио орқали гаплашиб турди.

Очиқ космосдаги ва станция ичидаги ҳамма ишларни бажариш чоғида орбитал комплекснинг экипажи планлаштирилган графикка тўла мувофиқ равишда аниқ ҳаракат қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йил биринчи квартали плани бажарилиш якунларини ҳамда партия, совет, хўжалик органларининг биринчи ярим йиллик планни бажариш соҳасидаги ва меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда камайтириш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни турмушга татбиқ этиш борасида ташкилотчилик ишини кучайтириш соҳасидаги вазифаларини кўриб чиқди. Биринчи кварталда кўпчилик кўрсаткичлар юзасидан белгиланган планлар бажарилди, ҳар суткада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти ўрта ҳисобда 3 миллион сўмлик миқдорда кўпайди ва квартал планидан ташқари салкам 100 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Гўшт, тухум харид қилиш плани ошириб бажарилди.

Шу билан бирга айрим раҳбарлар ўз ишларини КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь, 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг талаблари асосида қайта қурганлари йўқ. Навоий областининг саноати, Балиқ хўжалиги давлат комитети, минерал ўғит ишлаб чиқариш корхоналари квартал планини бажармади. Енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут, мебель саноати тармоқларида, бинокорлик материаллари саноатида қолоқ завод ва фабрикалар кўп. Тўқимачилик комбинатлари ва улардаги филиалларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Натижада саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари йиллик планда белгиланган 5,4 процент ва республика социалистик мажбуриятларида белгиланган 6 процент ўрнига биринчи кварталда 4,2 процентни ташкил қилди (ҳолбуки, январь ойида ўсиш 6 процентга етган эди). Кўпчилик министрлик ва идоралар ҳамон маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган шартнома мажбуриятларини бажармаяпти. Қурувчилар асосий фондларни ишга тушириш планини бажармадилар. Зилзиладан шикастланган районлардаги ремонт-қайта тиклаш ишлари сust олиб борилмоқда. Кўкламги дала ишларини ўтказишда, чорва ва парранда, сут, тухум тайёрлашдаги қолоқлик уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси область партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, область, ижроия комитетлари зиммасига халқ хўжалиги тармоқлари ишидаги камчиликларни тугатиш, йўл қўйилган қолоқликни иккинчи кварталда етказиб олиш, барча бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг бир маромда барқарор ишлашини таъминлаш, саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларини ошириб, республиканинг Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилганлиги 60 йиллигини нишонлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришига имконият яратишга эришиш вазифасини юклади.

Республика агросаноат комплексидаги социалистик мулкнинг муҳофаза қилинишини янада кучайтириш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирлар муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, касаба союз ва комсомол органларига тегишли кўрсатмалар берилди. Қабул этилган тадбирларни бажаришда бошлангич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, меҳнат коллективлари, халқ контроли комитетлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, оммавий ахборот воситалари жуда актив қатнашиши кераклиги таъкидланди.

Республика шаҳарларининг марказий қисмини қуриш ва реконструкция қилиш пайтида пишиқ уй-жой фондини асоссиз равишда бузиб юбориш фактлари муҳокама қилинди. Маргилон, Урганч, Советободда, Калинин райони марказида, бошқа шаҳарларда шундай фактлар содир бўлган. Ўзбекистон ССР Госстройига ва Қурилиш банкининг республика конторасига уй-жой фондини бузишнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этиш, аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш устидан назоратни кучайтириш зарурлиги кўрсатилди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини ҳам кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

МИНИСТРНИНГ ВИЗИТИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Италия ташқи ишлар министри Ж. Андреотти 22 апрелда визит билан Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Италиянинг СССРдаги элчиси Ж. Мильуоло бор эди.

(ТАСС).

«ГОРИЗОНТ» АЛОҚА ЙЎЛДОШИ ПАРВОЗДА

Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланиб, алоқа системалари ва телевизион кўрсатувни янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1984 йил 22 апрелда Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Горизонт» учирилди.

«Горизонт» йўлдошига ўрнатилган автоматлар нормал ишламоқда. Командаўлчов комплекси йўлдошни бошқариб турибди. Йўлдошнинг алоқа ва телевизион аппаратлари белгиланган программага мувофиқ ишлатилади. (ТАСС).

ТАНИШИНГ: ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ ЛАУРЕАТЛАРИ

СОВЕТ ФАНИНИНГ ЧЎҚҚИЛАРИ

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг илмий секретари, техника фанлари доктори, профессор В. Н. ЧЕТВЕРИКОВ билан суҳбат

ХАР сафар В. И. Ленин туғилган кунни нишонлар эканмиз, унга буюк мутафаккир ва революционер сифатидагина эмас, шу билан бирга гениал олим, илм-фаннинг энг катта ташкилотчиси сифатида ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром билан муносиб баҳо берамиз. У фундаментал фанларни янги кашфиётлар, ёш Советлар мамлакати техникаси ва саноатининг гуриллаб ўсиши манбаи эканлигини зийраклик билан кўриб, унга катта аҳамият берганди. Бундан 60 йил аввал СССР Марказий Ижроия Комитети «илм-фан билан ҳаётнинг чамбарчас алоқаси йўналишидаги илмий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида» В. И. Ленин номидаги мукофот таъсис этиш тўғрисида коммунистик академиянинг президиуми киритган таклифни маъқуллаганди. Ўшандан бери фан ва техникада янги йўналишларни очадиган ва билимнинг шу соҳасида дунёда эришилган ютуқлардан устун келадиган алоҳида атоқли илмий тадқиқотлар учун; СССР халқ хўжалиги ва мудофаа қобилиятига катта ҳисса қўшадиган ва савияси жиҳатидан бошқа мамлакатлар эришган ютуқлардан устун келадиган принципиал янги техник ечимлар учун Ленин мукофотлари берилиб келмоқда. Давлат ва хўжалик қурилишининг, марксча-ленинча фан ва ҳозирги иж-тимоий ҳаётнинг актуал масалаларига доир атоқли асарларнинг авторлари ҳам юксак мукофот эгалари бўлмоқда. Совет давлати асосчиси туғилган куннинг 114 йиллиги шарафига юксак мукофотга сазовор бўлган ишлар ана шу талабларга жавоб беради.

Занжир реакцияларга асосланган кучли химиявий лазерларни таклиф этган ва яратган олимлар коллективининг кўп йиллик тадқиқотлари қатта ютуқларга эришди. Водород билан фторнинг занжир реакцияси ҳолидаги бой энергия манбандан фойдаланувчи бундай лазерлар ишлаётганида электр энергиясини истеъмол қиладиган замонавий кўпчилик квант оптик генераторларга нисбатан ихчам ва енгилдир. Бу оригинал системалар ҳозирча химиявий энергияни фойдали иш коэффициенти юқори когерент нурга бевосита айлантириб берувчи бирдан-бир система бўлиб қолмоқда. Кўпгина техник вазифалар ҳал этилиши учун кучли когерент нурланишдан фойдаланишни талаб қилади, келгусида бундай вазифалар кўпайиб боради. Бошқа лазерларга нисбатан бир грамм ишқор жисми ҳисобига бир неча баравар кўп энергия берадиган химиявий лазерлар ана шу ерда асқотади. Шу ишлар туркумининг авторлари — Г. К. Васильев, Е. П. Маркин, А. Н. Ораевский ва В. Л. Тальрозе квант электроника билан химиявий физика туташган жойда аслида янги истиқболли илмий йўналиш яратдилар.

Янги энергия манбаларини излаш — фаннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Булар орасида амалда битмас-туганмас энергия ресурсларига йўл очиб берувчи бошқариладиган термо-ядро синтези алоҳида ўрин олади. Аммо шундай синтез йўлида каттагина қийинчиликлар бор. Температураси тахминан 100 миллион градусга борадиган водород плазмасини яратиш, шу инжиқ субстанцияни бўшайдиган энергиясини олиш учун биқиқ фазода сақлаб тура билиш талаб этилади. Шу мураккаб илмий-техник вазифа чуқур назарий ечимларни тақозо қилди. Махсус билим соҳаси юксак температурали плазма физикаси ривожлантирилди. Шу йил Ленин мукофотининг лауреатлари бўлган совет олимлари — Б. Б. Кадомцев, О. П. Погуце, В. Д. Шафранов, Р. З. Сагдеев, А. А. Галеев, Л. М. Коврижних шу билим соҳасига жуда катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг жаҳонга машҳур бўлган ишлари бошқариладиган термо-ядро реакциясини ўзлаштириш амалий программалари негизига қўйилди. Тороидал плазма магнит воситаси ушлаб туриладиган термо-ядро реакторини яратиш устида ишлаётган олимлар ва инженерлар бажарилган тадқиқотларнинг натижаларидан фойдалана бошладилар.

Партия термо-ядро энергетикаси асосларини яратиш вазифасини қўйди. Бир қанча муҳим физик проблемалар ҳал этилганлиги туфайли КПСС XXVI съезди шу вазифани қўя олди.

Мамлакатимизда нефть газ хом ашёсидан синтетик каучук тайёрлаш ўзлаштирилди. Бундай каучук хоссалари жиҳатидан табиий каучукдан қолишмайди, ҳатто баъзи жиҳатларидан олганда табиий каучукдан ҳам устун туради. Саноатда бу маҳсулотга талаб катта. Замонавий енгил автомобиль резина деталларининг ўзигагина йигирматача тип ва турдаги каучуклар талаб қилинади. Техника тараққий этиб борган сайин бундай каучукларга талаб ошиб боради. Юксак мукофотга сазовор бўлган Б. А. Долгоплоск билан Е. И. Тинякованинг металл органик катализ соҳасидаги катта тадқиқотлари каучуклар синтези жараёнини такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчилар илк бор шу жараёнларнинг назарий негизини яратдилар. Улар кўп компонентли мураккаб катализаторлар ўрнига титан, хром, никель каби элементларнинг янада самарали металл органик бирикмаларини таклиф қилдилар. Полимерлаштириш жараёнлари металл органик катализининг янги бир соҳаси очилди. Авторлар катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа мураккаб тадқиқотларни ҳам бажардилар.

Мукофотланганлар рўйхатида химия соҳасидаги чуқур тадқиқотлар бошқа бир туркумининг автори О. А. Реутов ҳам бўлиб, физик органик химияда янги бир йўналишни кашф этди. У назарий ва саноат жиҳатидан муҳим металл органик бирикмалар ўрин эгаллаш реакциялари механизмларини тадқиқ этди. Бундай кўпдан-кўп материаллар асосида шундай бирикмалар тузилиши билан уларнинг химиявий активлиги ўртасидаги алоқа аниқланди, муҳит, катализаторлар ва бошқа омилларнинг таъсири тадқиқ этилди. Шунинг асосида муайян турдаги метоллорганик бирикмаларнинг реакцияга киришиш қобилияти назарияси вужудга келтирилди ва шу иш халқаро кўламда доврўқ қозонди.

И. А. Рапопорт кўп йиллик ишларининг натижалари биология фанига катта ҳисса қўшди ва бу ишлар юксак мукофотга сазовор деб топилди. Олим генетик актив бирикмалар — химиявий мутагенлар ёрдамида ирсий ўзгарувчанликка аралашиш имкониятини топди. Шу бирикмалар ва улар таъсир механизмининг жоссаларини тадқиқ этишга доир катта ишлар ўтказилди. Автор генетиклар ва бошқа мутахассислар билан бирга қишлоқ хўжалик экинлари ҳар хил турларининг селекциясида ва бошқа мақсадларда саноат микроорганизмларининг химиявий мутагенларидан муваффақиятли фойдаланди, И. А. Рапопорт қимматли селекцион аломатлари ҳосил қилиш мақсадида организмларнинг ирсий ўзгарувчанлигига самарали таъсир кўрсатиш методларини таклиф этди.

Гуманитар фанлар соҳасидаги ёрқин иш — В. Л. Янин ва Б. А. Колчиннинг фундаментал асари ҳам катта муваффақият қозонди. Бу асарда рус давлатчилигининг марказларидан бири — Ўрта аср Новгородида ярим аср мобайнида олиб борилган тадқиқотларнинг якунлари чиқарилган.

1929 йилда тузилган ва бугунги кунда ҳам давом этаётган Новгород археологик экспозициясининг ишлари туфайли Ўрта аср Русининг шу катта маркази тўғрисидаги тасаввурини анча кенгайтирувчи кўпдан кўп қизиқарли кашфиётлар қилиш мумкин бўлди. Бу кашфиётларга олимлар алоҳида қизиқиб қарамоқдалар. Гап шундаки, Новгород ўша замондаги бошқа рус шаҳарларидан жиддий фарқ қилган — у князлик эмас, балки феодал республикаси бўлган. Қазишмалар натижасида ўрта асрнинг кўпгина шаҳар қўралари, ҳар хил иморатлари, моддий маданият ашёлари ўрганиб чиқилди, булар катта тарихий ва бадиий қимматга эга. Бу гаплар масалан, пўстлоқда ёзилган хатларга, амалий санъат ашёларига таллуқлики, уларни ўрганиш баъзи қолоқ қарашлардан воз кечишга имкон берди.

Авторлар жуда юксак маданият даражасига эга бўлган буюк Новгород ҳаёти кенг манзарасини яратдилар, шаҳар тараққиётини белги лаб берган социал-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни очдилар. Олимлар чиқарган тарихий якунлар дарсликларга, монографияларга, музей экспозицияларига кирди, совет халқи маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Н. Ф. Казаков раҳбарлигида бажарилган ва В. И. Ленин мукофоти билан тақдирланган ишқ самарали илмий ижодиётни шу ижодиёт натижаларини практикага кенг кўламда жорий этиш борасидаги куч-ғайратлар билан қўшиб олиб боришга мисол бўлиб хизмат қилаолади. Шу иш чоғида материалларни диффузион усул билан пайвандлаш ишлаб чиқилдики, бу усул материаллар юзининг атом алоқалари туфайли тишлашиш қобилиятига асосланган. Бунинг учун маълум даражада қисиш, вакуум муҳит ва бир-бирига бириктириладиган материалларни пластик ҳолатга қадар етказмай қиздириш талаб этилади. Шу технология туфайли маҳкамлайдиган воситалардан фойдаланмаган ҳолда жуда мураккаб шаклдаги деталлар, конструкция элементлари ва бошқа ашёларни тайёрлаш имконияти вужудга келди. Бу янгилик аввал бир-бири билан бирикмайдиган турли жинсдаги материалларни бир-бирига пайвандлашга имкон берди. Масалан, керамикани металл билан, кумушни зангламайдиган пўлат билан, вольфрамни пўлат билан пайвандлаш мумкин бўлиб қолди. Шу билан бирга қимматбаҳо кавшар материал, электродлар, флюс моддаларга зарурат ҳам қолмади, шу билан бирга атроф-муҳит булғанмайдиган бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз саноатининг кўпгина тармоқларида диффузион пайвандлаш кенг кўламда қўлланмоқда. У дунёга машҳур бўлди.

Мамлакат олий илмий ютуқларининг анъанавий равишда В. И. Ленин туғилган кунга тўғри келтирилган кўриги совет олимлари Коммунистик партиянинг фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш борасидаги кўрсатмаларини шараф билан адо этиб келаётганликларини, илм-фанимиз халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб турганлигини тасдиқлади. 1984 йилги Ленин мукофоти лауреатлари ишларининг юксак савияси бир миллион кишидан ортиқ совет олимлари отрядига ўрнак бўлиб қолмоғи лозим. Бу отряднинг меҳнати социалистик Ватан социал-иқтисодий ва маданий тараққиётининг муҳим омилидир.

(ТАСС).



Бувайда районн маркази Янгиқўрғон посёлкасида ип. йигирув фабрикаси ташкил топганига бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Корхона меҳнат аҳли унинг ишлаб чиқариш қувватларини барвақт ўзлаштириб, ўтган йили планни 102,3 процентга етказиб бажарди, 2 миллион 830 минг метр газлама ишлаб чиқарди. Республикамизнинг шонли юбилейи нишонланадиган йилда бу маррадан ўзиб кетиш учун бутун куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Биринчи квартал плани муваффақиятли бажарилди. Суратда: цех бошлиғи М. Юнусов ва илғор ишчи С. Қодирова маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

ЕРДА ВА КОСМОСДА ДИЙДОР КЎРИШИШ

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН КОСМИК УЧИШИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Космик ой, Гагарин ойи — апрель Ер атрофи орбиталаридаги ёрқин воқеа билан нишонланди. «Салют-7» орбитал станциясидаги Совет-Ҳиндистон экспедицияси—совет кемалари ва станциясида ўтказилган ўн биринчи халқаро экспедиция муваффақиятли равишда ниҳоясига етди. 23 апрель куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси шу экспедиция якунларига бағишланди.

Таниқли совет олимлари, космонавтларни тайёрлаш, Учишни бошқариш маркази раҳбарлари, ўн биринчи халқаро экипаж аъзолари, уларнинг дублёрлари журналистлар билан учрашувга келдилар.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик **В. А. Котельников** кириш нутқида экипажни орбитадаги ажойиб иш ҳамда юксак мукофотлар билан СССР ва Ҳиндистон олимлари ҳамда мутахассислари номидан табриклади. Космик фазони тинчлик мақсадларида ўрганиш ва уни ўзлаштиришда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ҳамкорлиги, деди у, 20 йилдан кўпроқ вақт муқаддам бошланган бўлиб, барча етакчи йўналишларда муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Ҳиндистон БМТга аъзо 150 дан кўпроқ давлат орасидаги ўзининг учирувчи ракеталари ёрдамида ўз йўлдошларини космоса чиқаришга қодир бўлган еттинчи мамлакатдир.

Совет-Ҳиндистон халқаро экипажининг учиши, деди олим, мамлакатларимизнинг космосдаги кўп йиллик ҳамкорлигининг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлди. Иккала мамлакат ҳукуматлари эришган шартномага мувофиқ ўтказилган бу учиш Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон жамоатчилигининг, иккала давлат раҳбарларининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Экипаж командири **Ю. Малишев** сўзга чиқади. Ташриф экспедициямиз унча узоққа чўзилмади, деди у, аммо экипаж Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг илм-фани ва халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб совет ва ҳинд олимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ишлаб чиқилган хилма-хил ҳамда сермазмун эксперименталларнинг бутун программасини муваффақиятли бажаришга эришди.

Экипаж командири орбитадаги етти иш кунининг ҳаммаси самимият ва ўзаро ёрдам вазиятида ўтганлигини, бу эса олти космонавтнинг ҳаммасига туташтиришдан бошлаб то хайрлашиш пайтигача энг юксак самарадорлик билан меҳнат қилиш ҳамда жами 43 илмий эксперименти тўла-тўкис ниҳоясига етказиш имконини берганлигини қайд этиб, ўтди. Бизнинг ҳаммамиз учун, деди Ю. Малишев, парвозимиз Космонавтика куни арафасида ўтаётганлигини англаш қийин меҳнатдаги алоҳида омил бўлди. Совет-Ҳиндистон экспедициясига Гагарин табассуми ҳарорат бахш этиб турди, дейиш мумкин.

Совет-Ҳиндистон экипажининг тадқиқотчи-космонавти **Ракеш Шарма** минбарга чиқади. Парвозимизнинг барча кунлари ва дақиқалари унутилмасдир, деди у тўлқинланиб рус тилида. Бу старт СССР билан Ҳиндистондаги кўп йиллик ва самарали ҳамкорликнинг чўққиси бўлиб қолди ҳамда ватаним байроғини замин узра баланд кўтарди. Мен Звездний шаҳарчасидаги ўртоқларимдан космос тўғрисида кўп нарсалар эшитган эдим, аммо реал воқелик кутганларимдан ҳам зиёда бўлди. Ракетанинг старти, орбитага чиқиш, вазнсизлик билан дуч келиш, мени айниқса, тўлқинлантирди, лекин «Салют-7» станцияси билан туташтириш пайти, унинг мезбонлари билан орзиқиб кутилган учрашув дамлари, айниқса, ёдда қолди. Мен Ернинг гўзаллигига жуда мафтун бўлиб қолдим, менга Ерда ҳеч қандай чегаралар йўқдек, у яхлит бир организмдек туюлаверди.

Ҳинд космонавти «Терра» эксперименти программасига доир ўтказилган геофизик тадқиқотлар тўғрисида гапириб, бу эксперименталар ўз мамлакатининг фани ва экономикаси учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтди. Орбита бўйлаб учиш жараёнида Ҳиндистон территорияси ва Ҳинд океани акваториясининг айрим районлари визуал кузатилиб, фотосуратга олинди, бунда орбитал комплекс учиб ўтган районлар самолётлардан ва Ерда туриб синхрон равишда съемка қилинди. Олинган ахборот Ердан фойдаланиш хариталарини тузиш чоғида, соҳил бўйи зонасининг ҳолатини контрол қилиш, океанография тадқиқотлари чоғида, ўрмонларнинг, ички сув ҳавзаларининг, қишлоқ хўжалик экинзорларининг ҳолатини ўрганиш учун ёрдам беради.

Экспедиция муваффақиятининг асосий сирини айтиб ўтмоқчиман, деди табассум билан Ракеш Шарма, менинг шерикларим жуда яхши кишилар эди. Космосдаги ўртоқларимнинг юксак профессионал маҳорати, оддийлиги, доимий вазминлиги, маслаҳат билан ҳам, иш билан ҳам исталган пайтда ёрдам беришга тайёрлиги менга ёқади. Бу бизга халқларнинг Ерда ва космосда дўстона дийдор кўришиш реал имкониятларини, уларнинг планетамиз ҳозирги ва келгуси авлодлари бахт-саодати йўлида қилаётган биргаликдаги меҳнатининг юксак инсонпарварлигини кўрсатишга ёрдам берди.

Экипаж борт инженери **Г. Стрекалов** сўзини учиш пайтида техника ўзини қандай кўрсатганлиги тўғрисидаги қисқача ҳисобот билан бошлади. Биз «Союз Т-11» кемасида старт олган эдик, деб эслатиб ўтди у. Шу туркумдаги кемаларда менинг уч марта парвоз қилишимга тўғри келди. Бу кема Ер билан орбитадаги илмий лаборатория ўртасида ишончли транспорт кўпригидир.

Биринчи марта учганимда, деди Г. Стрекалов, мен тадқиқотчи-космонавт вазифасини бажарган эдим, бу вазифани билганим учун бизнинг тадқиқотчи-космонавтимиз Ракеш Шармага хусусан Ерни суратга олиш сеанслари вақтида қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Ракеш Шарма Ерни суратга олиш билан жуда қизиқиб қолди. Асосий экипаж биргаликдаги геофизика эксперименталари учун, станция ичидаги фотокамералар ёрдамида планета юзини олисдан туриб ўрганиш учун аппаратларни ишга тахт қилиб қўйдик. Биз борганимиздан кейин ана шу фотокамераларимизнинг объектлари Ҳиндистон территориясига ва унга туташ сувларга тез-тез қаратилиб турди. Орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида бўлган вақтимизда кўп зонали МКФ-6М камераси билан Ернинг спектр олти диапазонидаги жами салкам 1000 та портрети суратга олинди, бу эса биргаликда салкам 6000 кадрни ташкил этади. Топографик қора-оқ КАТЭ-140 камераси билан 300 га яқин сурат олинди. Шуларнинг ярми биргаликдаги «Терра» геофизикавий программа доирасида олинди.

Пировардида борт инженер бундай деди: космос ҳаётимизга илмий-тадқиқот программаларини ва халқ хўжалик планларини амалга ошириш орқалигина сингиб кетиб қолмай у миллионларча кишилар турмушининг бир қисми бўлиб қолди, уларнинг тафаккур тарзини, инсониятнинг имкониятлари тўғрисидаги, унинг қудрати ва шу билан бирга унинг планета тақдири учун масъулияти ҳақидаги тасаввурни ўзгартириб юборди. Биз Ҳиндистоннинг биринчи космик фарзанди билан бирга орбитада худди шундай туйғу билан ишладик.

Шундан кейин олимлар билан космонавтлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

МАДАНИЯТИМИЗ ФАХРИ — ХАЛҚ ФАХРИ

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси Г. М. МАРКОВ билан суҳбат

СОВЕТ халқининг мазмунан социалистик, ўзининг миллий шакллари жиҳатидан кўп қиррали яхлит интернационал маданияти ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ленин мукофоти янги лауреатларининг — халққа манзур бўлган, ўз ижоди билан ватанпарварлик, гражданлик, инсонпарварлик, юксак социалистик ахлоқ ғояларини қарор топтираётган санъаткорларнинг асарлари шу маданият ютуқларининг ёрқин ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Партиямиз меҳнаткашларни мафкуравий жиҳатдан тарбиялашда бадиий маданиятнинг жуда катта ролини қайта-қайта таъкидламоқда. Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленумида «Ҳар томонлама баркамол шахсни вояга етказиш — бизнинг стратегик йўлимиздир», деб таъкидлади. Табиийки, умумпартиявий ва умумдавлат вазифасини ҳал этишда адабиёт ва санъат жуда муҳим аҳамиятга эга.

Гражданлик позицияси, ҳаёт воқеликларига партиявий ёндашиш совет санъаткорларига ҳозирги замоннинг етакчи тенденцияларини фахмлаб олишда ёрдам бермоқда. Бу йил мамлакатнинг олий мукофоти билан тақдирланган асарлар ҳозирги бизни тўлқинлантириб турган проблемалар хусусида баҳс юритади.

Бошқирдистон халқ шоири Мустай Каримнинг «Узоқ давом этган болалик» қиссаси ва «Оловни ташлама, Прометей!» трагедияси ҳаёт ҳақида, замонлар ва авлодларнинг алоқаси тўғрисида фалсафий фикр-мулоҳазалар руҳи билан суғорилган. Ўз республикасидан бошқа жойларда ҳам машҳур бўлган ажойиб қаламкашнинг ижодида чинакам миллий колоритни, ҳақиқий халқ характерларини гавдалантириш маҳорати кишини ўзига ром этади. Унинг янги қиссаси ҳам ўзининг шу жиҳати билан ажралиб турибди. Шоирнинг янги пьесасида таранум этилган одамлар бахт-саодати йўлидаги жасорат эса замондошлар учун маънавий сабоқ бўлиб хизмат қилади.

Авлодларнинг давомийлиги туйғусини нозик ҳис этиш, ўтмишдан ҳозирги кунга ва келажакка назар ташлаш кино санъатининг атоқли устаси Сергей Герасимов ижоди учун характерлидир. У эллик йиллик режиссёрлик фаолияти давомида совет кинематографияси олтин фондига кирган асарлар яратди. Улар орасида «Етти ботир», «Комсомольск», «Тинч дон», «Ёш гвардия», «Журналист», «Кўл бўйида» асарлари бор. Кейинги йиллардаги «Петрнинг ёшлиги», «Шонли ишлар дебочаси» лента-лари ва юксак мукофотга сазовор бўлган иқтидорли санъаткор услубига хос бошқа асарлар ҳам ўз қаҳрамонларига нисбатан эҳтирос, ғоявий позицияларнинг аниқлиги, композицион мунтазамлиги билан ажралиб туради.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси 40 йиллиги арафасида дунёни фашизмдан халос қилган мамлакатнинг жасоратини шарафловчи бир қанча салмоқли асарлар бунёдга келди. Янги лауреатлар орасида Киевдаги «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан уруши тарихи Украина давлат музейи» ёдгорлик комплексининг бунёдкорлари — архитектор В. Елизаров, ҳайкалтарошлардан В. Бородай ва Ф. Согоянлар бор. Очилган пайтидан бери ўтган уч йил мобайнида тўрт миллиондан ортиқ киши зиёрат қилган бу комплекс ғоявий-сиёсий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг жуда муҳим марказ бўлиб қолди. Ёдгорлик ўз архитектурасининг кенг кўлами, она-Ватан умри боқий жасоратга руҳлантирган совет жангчиларининг образларини гавдалантирувчи ҳайкалтарошлик композицияларининг хилма-хиллиги билан ажралиб турибди. Новороссийскдаги «Гражданлар уруши ва 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига» ёдгорлик комплексининг муаллифлари — ҳайкалтарош В. Цигал, архитекторлардан Р. Кананин ва В. Хавинларнинг ишида ҳам қаҳрамонлик мавзуи ёрқин ифодаланган. Улар яратган яхлит комплекс социалистик Ватан учун курашчиларнинг қаҳрамонона анъаналари, Ватанга садоқати, мардлиги давомийлиги ғоясини яққол акс эттирди. Унда пластик санъат, архитектура имкониятларидан атроф муҳит ва аниқ-равшан тарихий обидалар билан узвий бирликда дадил фойдаланилган.

Рассом А. Мильниковга «Коррида», «Парчинлаш», «Гарсиа Лорканинг ўлими» полотноларидан иборат «Испан триптихи» учун Ленин мукофоти берилди. Бу иш мазкур таниқли мўйқалам устасининг ижодига хос бўлган гражданлик мазмуни, ижодий дадиллик, юксак профессионал савияни тасдиқлади. Асарнинг бутун классик, бадиий-колоритлиги ва унинг кучли таъсир қилувчи жозибаси тузилиши унинг фашизмга қарши, интернационал йўналишини кучайтиради. А. Мильниковнинг асарлари зўравонлик дунёсини эҳтирос билан айблашдан, планета узра пайдо бўлган хавф-хатарни огоҳлантиришдан, ақл-заковат кучига ишонч руҳини сингиришдан иборат.

Замонамизнинг етакчи композиторларидан бири Родион Шчедриннинг асарлари ҳам инсоннинг бунёдкорлик кучига ишонч руҳи билан суғорилган. Совет ва чет эл театрлари саҳналарида қўйилган «Ўлик жонлар» операсида композитор Гоголь прозасининг руҳини сақлаб қола олган, рус опера адабиётига катта ижодий ҳисса қўшган.

Совет маданиятининг кекса арбобларидан бири Сергей Образцов болаларга аталган адабиёт ва санъат асарлари учун бериладиган мукофотга сазовор бўлди. У ўзи барпо этган ва ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери раҳбарлик қилиб келаётган қўғирчоқ театрининг спектакларида, ўзи қўйган фильмларда, телекўрсатувлар ва радиоэшитиришларда коммунистик ахлоқ принципларини, саховат ва инсонийликни, қувонч билан яшаш ва меҳнат қилишга халақит бераётган ҳамма иллатларга муросасизлик билан қаршни қарор топтирувчи санъаткорнинг овози янграйди. Унинг асарларидаги гражданлик пафоси, бадиий ифода кучи унинг ҳаётидаги бош мақсадга — маънавий дунёси бой, ғоявий эътиқодли, юксак ахлоқли янги инсонни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилади.

1984 йилги Ленин мукофотларининг берилиши мамлакатимизда талантлар равнақ топаётганлигидан, Коммунистик партиянинг маданият соҳасидаги самарали сиёсатидан, санъат янги чўқиларга муттасил интилаётганлигидан далолат берувчи янги ёрқин мисол эканини таъкидламоқчиман.

(ТАСС).

ФАОЛЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети 8 Март номидаги Самарқанд тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети ва маъмуриятининг ишчи-хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш тажрибасини маъқуллади. Бирлашмада собиқдамлик билан олиб борилаётган ишлар натижасида ишловчиларнинг 56 процента доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари, бригадалар кенгаши, илмий-техника жамиятлари, Бутуниттифоқ ихтиро-чилар ва рационализаторлар жамияти ишида қатнашишига эришилди. Ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақада ишчи ва хизматчиларнинг 95 процента иштирок этмоқда.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш ишчиларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, меҳнат активлигини оширишга ёрдам бермоқда. Республикамиз саноати 15 илғорининг ташаббусини қўллаб-қувватлаган 21 ишчи беш йиллик топшириқларни адо этди, 250 ишчи эса беш йиллик тўрт йили планини бажарди. Бирлашма ишчиларининг 62 процента меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасига ўтказилган. Ишчи ва хизматчилар томонидан билдирилган рационализаторлик таклифлари 1980 йилга нисбатан кўпайди. Техника ижодкорлиги планида кўзда тутилган 17 тадбирни амалга оширишда илмий-техника жамиятининг 120 аъзоси ва ВОИРнинг 260 аъзоси жонбозлик кўрсатганлиги натижасида 67 киши оғир қўл меҳнатидан озод қилинди. Асосий кўпчилиги ишчилардан иборат бўлган доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг активлари бу йилги план ва социалистик мажбуриятларни тузишда қатнашдилар. Уларнинг 36 тавсияси маҳсулот сифатини яхшилаш, ассортиментни кенгайтириш, хом ашё ва материалларни тежашга қаратилган.

Ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашиши — меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни амалда рўёбга чиқарилаётганининг яққол далилидир.

ЁЗГИ КАНИКУЛГА ШАЙЛАНИБ

Пионер ва ўқувчиларнинг ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланишига бир неча ой бор. Бироқ, республика касаба союзлари ва комсомол ташкилотлари ҳозирги кундаёқ ёз ойларида шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги, санаторий типидаги, меҳнат ва дам олиш пионер лагерларида мумкин қадар кўпроқ болалар дам олиши ва саломатлигини яхшилаши тўғрисида, пионер лагерлари моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни болаларни қабул қилишга ўз вақтида тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба союзлари комсомол, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, хўжалик органлари билан биргаликда пионер лагерларида болаларни соғломлаштириш миқёсини кенгайтириш тадбирларини кўрмоқда. 1983 йил ёзида пионер лагерларида 846 минг пионер ва ўқувчи соғломлаштирилди. Бу эса 1982 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир. Болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишини намунали ўтказиш юзасидан касаба союз ва комсомол ташкилотларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юқори натижаларга эришганликлари учун Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Республика социалистик мусобақасида юқори натижаларга эришган Сирдарё ва Сурхондарё областлари ғолиб деб топилди, Наманган ва Фарғона областлари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Бу йил 940 минг болани соғломлаштириш мўлжалланган, бу эса пионер ва ўқувчиларни қамраб олиш даражасини 25 процентдан ошириш имконини беради. Шуни таъкидлаш керакки, пионер лагерларига бериладиган йўлланмаларнинг тенг ярми бепулдир.

Н. КОНДРАСЮК.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»— «КОРРЕСПОНДЕНТ»

журналининг апрель сони босмадан чиқди. Журнал «60 йил: давр ва ўзим ҳақимда» рубрикаси остида эълон қилинган мақола билан очилади. 1940 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ғиёс Ашуров шу рубрика остида берилган материалида матбуотнинг тараққиёт йўли ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашади. Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Ш. Миралимовнинг «Янги ва шонли ишлар сари» сарлавҳали мақоласи «Матбуотга партиявий раҳбарлик» рубрикаси остида эълон қилинган. Шунингдек, журналдан «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг масъул секретари Т. Мирходиевнинг «Газетхон билан мулоқот», «Комсомолобод тонги» район газетасининг редактори Н. Маъмуровнинг «Далилларга таяниб» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. Ш. Зайнутдиновнинг «Чорвоқли космос забт этувчи» мақоласи космонавтика кунига бағишланади.

«Сўзимиз таъсири» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби У. Бурхонов билан суҳбат берилган.

Шунингдек, «Ҳамкасбларимиз», «Ишчи-деҳқон мухбирлар йўлдоши», «Китоб жовони» рубрикалари остида ҳам хилма-хил материаллар ўрин олган. Журнал ҳар галгидек чиройли безатилган.

ЯНГИ ЕР САХОВАТИ

ёки кун тартибида турган муҳим масалалар хусусида айрим мулоҳазалар

Совхозимиз Зарбдор районида ташкил этилган янги хўжаликлардан бири. Асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган. Айни кезда бошқа тармоқлар ҳам комплекс ривожлантирилмоқда. Шу ўринда айрим мисоллар келтираман. Чўлқуварларимиз ўтган йили давлатга 6.571 тонна пахта етказиб бердилар. Бу планда кўзда тутилганидан 770 тонна кўпдир. Бир йилда хўжалигимиз бўйича ҳосилдорлик 6 центнер кўтарилди. Умумий ҳосилнинг 75 проценти юқори сортларга тоширилди.

Ғаллачиликда ҳам дуруст кўрсаткичлар қўлга киритилди. Ғаллакорларимиз тайёрлов пунктига 750 тонна ўрнига 1273 тонна дон топширдилар. Бошқа тармоқлар бўйича белгиланган планлар ҳам муваффақиятли адо этилди. Энг муҳими — ютуқлар танқидий тарзда таҳлилдан ўтказилиб, уни янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик тадбирлари белгиланди.

Иқтисодий кўрсаткичлар чакки бўлмади. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан 7,2 миллион сўм даромад олинди. Совхозимиз 1982 йилда 1,9 миллион сўм зарар кўрган бўлса, 1983 йилни 1,4 миллион сўм соф фойда олиш билан якунлади.

Келтирилган мисоллардан кўринаётган турибдики, совхозимизнинг келажак истиқболи порлоқ бўлиб, фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар кенг жорий этилса, яқин йилларда комплекс ривожланаётган, юқори ҳосилли ва маҳсулли хўжаликлардан бири бўлиб қолиши мумкин ва лозим.

Ютуқларимиз қувонса арзигулик. Лекин қиладиган ишларимиз ютуқларимизга қиёслаганда икки-уч баравар кўпдир. Ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар эса ундан ҳам кўпдир. Янги ерлар ўзлаштириш, ирригация-мелиорация ишларини кучайтириб, фойдаланилиб келинаётган ерларнинг ҳам, янгидан оборотга киритилган ерларнинг ҳам унумдорлигини оширишимиз керак. Суғориш тармоғини тартибга солмоғимиз, ҳар литр сувдан оқилона фойдаланмоғимиз, сув исрофгарчилигига бутунлай барҳам бермоғимиз зарур. Бундай дейишимнинг боиси шуки, Жиззах чўлининг юқори қисмидаги ерларни обиҳаётга қондириш учун Сирдарё сувини насослар ёрдамида 175 метр баландликка кўтариш талаб этилади.

Республикамизнинг Мирзачўл, Қарши чўли, Ёзёвон чўли ва бошқа зоналарида кўплаб янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Моҳирлик билан деҳқончилик қилиниб, пахта етиштириш тобора кўпайтирилмоқда. Чўлларда бунёдга келтирилган ширин-шакар мевалар, узумлар, қовун-тарвузлар ва бошқа хил маҳсулотлардан Москва, Ленинград шаҳарларининг аҳолиси, Қозоғистон ғаллакорлари, Сибирь ўрмончилари, Узоқ Шарқ меҳнаткашлари баҳраманд бўлмоқдалар. Жиззах чўли ҳам коммунистик маъмурчилик масканига айланишига, мамлакатимиз халқларига кўп, сорти ва сифати юқори маҳсулотлар армуғон этилишига шубҳа йўқ. Бунинг учун, юқорида айтилганидек, қатор муаммоларни тадбиркорлик билан, иложи борича тезроқ ҳал этиш талаб қилинади.

Масалан, бизнинг совхозимизга қарашли экин майдонлари 40 га яқин насослар ёрдамида сув чиқарилиб суғорилади. Ваҳолонки, лойиҳа бўйича сув насосларсиз ўз оқими билан келиши керак. «Средазирсовхозстрой» қурувчиларининг лойиҳага тўла амал қилмасликлари оқибатида катта қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Ўйлаб кўринг, қирққа яқин насос ёрдамида сувни юқорига чиқариб, пахта етиштирадиган хўжаликда маҳсулот таннархини қандай қилиб камайтириш мумкин? Партиямиз эса кун тартибига меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш вазифасини қўйди. Бу ҳақда «Средазирсовхозстрой» раҳбарлари жиддий бош қотирмоқлари ва совхозимизга амалий ёрдам бермоқлари керак.

Яна бошқа мисолни олайлик. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш мақсадида совхозимиз территориясида катта сиғимли лоток қурилди ва фойдаланишга топширилди. Буни табриклаш керак, албатта. Афсуски, қувончимиз узоққа бормади. Лойиҳа бўйича лотокда мунтазам секундига 140 литр сув оқиб туриши керак. Амалда атиги секундига 70 литр сув оқяпти, холос. Кўзда тутилганидан роса 50 процент кам сув олиш билан чўл шароитида пахтадан юқори ҳосил етиштириб бўладими? Тўғри, баъзи кезларда сув тақчиллиги юз бериб туради. Лекин етарли сув бўла туриб, қурувчиларнинг айби билан кўзда тутилганидан тенгма-тенг кам сув олиш кечирилмас ҳолдир. Бу ҳам камлик қилганидай 117 чақирим узунликдаги дренажнинг яқин 60 километри ишламаяпти.

Деҳқончилик, ҳусусан пахтачиликда кичкина кемтик жой вақтида тўлдирилмаса ёки тузатилмаса кейинчалик аттанг деб қолинади. Пировард натижада йўл қўйилган хатони тузатиш жуда қимматга тушади. Энг хавфли томони шуки, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, деб ҳисобланган ернинг бир қисми экин экилмасдан партовга айланиб қолади. Уни қайта ўзлаштиришга яна кўплаб ишчи кучи, маблағ, техника қудрати сарфлашга тўғри келади. Бошқачасига айтганда, бепарволик орқасида иш кўпаяди. Ҳозирги шароитда бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Чала ўзлаштирилган ерларни фойдаланишга топшириш ҳоллари бизнинг совхозимиздагина эмас, балки, Зарбдор районимизнинг кўпчилик хўжаликларида ҳам юз бераётир.

Чўл шароитида уй-жой масаласи биринчи даражали аҳамиятга моликдир. Афсуски, бу борада ҳам жиддий нуқсонлар юз бермоқда. «Бустансовхозстрой» тресті фақат бизнинг совхозимиз территориясидагина ҳозиргача 24 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириши керак эди. Бугунга қадар топширилгани 11 минг квадрат метр, холос! Чўлқуварларимиз дахлдор ташкилотларнинг раҳбарларига ваъда қилинган турар жой биноларини қачон фойдаланишга тўла топширасизлар, деб сўрашга ҳақлидирлар.

Чўлқуварларнинг ёш фарзандлари учун 240 ўринли болалар боғчаси биноси қуриш ҳақида жуда кўп гапирилди, танқидий фикрлар айтилди, амалий таклифлар ўртага ташланди. Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари ишда кескин ўзгариш ясашга ваъда бердилар. Мана икки йилдирки, ваъда ваъдалигича қолиб кетяпти. Бунинг касрига оналар кичкинтойлар тарбияси билан банд бўлиб қолиб, дала ишларида тўла қатнаша олмаяптилар. Чўл шароитида ишчи кучи нечоғли қимматга молик эканлигини қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари наҳотки билишмаса?

Совхозимиз территориясида посёлка типида қайта қуриш ғоятда зарур бўлган учта кичик қишлоқ бор. Лекин бу қишлоқларда кооператив йўли билан уй-жойлар қуриш, меҳнаткашларни барча қулайликларга эга бўлган уйларга кўчириш ҳақида ғамхўрлик қилинмаяпти. Бу борада «Облколхозстрой» амалий ёрдам берса яхши бўлур эди.

Биз бу танқидий фикрларни шунинг учун ҳам айтяпмизки, юқорида тилга олинган масалалар қанча тез ҳал этилса, бизнинг совхозимиз каби Зарбдор районининг бошқа хўжаликлари ҳам давлатга пахта ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб беришни шунча тез кўпайтирадилар.

Совхозимиз ва районимиз чўлқуварлари КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг сермазмун нутқини кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Барча тармоқларда социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар. 10 гектар майдонда мевазор ва узумзор боғ ташкил қилдик. Чигит экишни ниҳоясига етказдик. Хўжақул Турдиев, Элибой Маматхонов, Нўъмон Қодиров, Алиқул Жалиловлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларнинг пахтакорлари биринчи комплекс парваришни қизғин давом эттирмоқдалар. Чўл шароитида гектаридан 30—35 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган Аҳмад Тонготаров, Рустам Абдуллаев, Беркбой Ғойибов ва бошқа ташкилотчи кадрлар бригадирлик қилаётган пахта далаларида ниҳоллар қийғос униб чиқиб, юқори ҳосилдан дарак бермоқда.

Пахтадан юқори ҳосил етиштириш, бошқа хил маҳсулотлар тайёрлашни кескин кўпайтириш билан чўлқуварлик номини шарафлаймиз.

Хурсандали ТУРСУНОВ,
Жиззах область, Зарбдор районидаги «Андижон» совхозининг директори.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

▲ ТЮМЕНЬ ОБЛАСТИ. Уренгой—Марказ газопроводининг икки шоҳобчасида қурилиш ишлари зарбдор суръатларда олиб борилмоқда. Уларнинг фойдаланишга топширилиши туфайли Ямало-Ненец автоном округи табиий бойлиги— газни мамлакат марказининг индустриал корхоналарига кўпроқ етказиб бериш имконияти яратилади. Суратда: Уренгой — Марказ-2 газопроводида.

▲ БЕЛГОРОД ОБЛАСТИ. Йилига 1,7 миллион тонна темир-руда концентрати ишлаб чиқарадиган Стойленск конбойитув комбинати фойдаланишга топширилди. Бу Курск магнит аномалиясидаги худди шу турдаги учинчи корхонадир. Суратда: корхона цехларидан бири.

ТАСС фотохроникаси.

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

ҚУЁШ ХИЗМАТДА

Паркент районидаги «Гулбоғ» совхозида энг яхши узум навларидан майиз ҳосил қилиш янги усулини қўллашга қарор қилинди.

Хўжаликда майиз тайёрлаш комплекси қурила бошланди. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг мутахассислари ишлаб чиққан қуритиш установкаларини монтаж қилиш кўзда тутилган. Бу установкалар пленка билан қопланган катта-катта қутилардан иборат бўлиб, вентилятор офғобда исиган ташқи ҳавони шу қути ичига ҳайдайди. Том бўлиб хизмат қилувчи целлофан кундузи йиғилган иссиқликни ҳатто тунда ҳам сақлашга имкон беради. Қутилар ичидаги ҳарорат 50—60 градусга чиқиб, ғужумларнинг тез майизга айланишига ёрдам беради. Тажриба бундай майиз сифатли бўлиб, қўшимча ишлов талаб этмаслигини кўрсатди.

Мавсум бошлангунича Наманган областидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда ҳам гелиоқуритиш комплексини бунёд этиш мўлжалланади.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АРРА»

Шундай сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада (газетанинг ўтган йил 282-сонида) Андижон темир йўл вокзалидаги тартибсизликлар очиб ташланган эди.

АНДИЖОН ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ мақола юзасидан йўллаган жавобда маълум қилади:

— Мақолада баён этилган фактлар тасдиқланди. Шаҳар Советининг саноат, транспорт ва алоқа бўйича доимий комиссияси, «Андижон-1» станциясида комплекс текширув ўтказиб, шаҳар Советига ўз мажлисида мазкур масалани кўриб чиқишни таклиф этди.

Шаҳар Советининг кенгайтирилган мажлисида, «Андижон-1» станциясида халқ хўжалик юклари ташишни таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш масаласи кўрилди. Станция маъмуриятига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш топширилди. Бу ишлар назоратга олинди.

* * *

Шунингдек, «Арра» сарлавҳали мақола юзасидан Ўрта Осиё темир йўли ФАРҒОНА БЎЛИМИдан олинган жавобда унда баён этилган фактлар тасдиқлангани маълум қилинади. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини мунтазам бузиб келганлиги, қоникарсиз раҳбарлик қилгани ва вокзал ходимлари иши устидан назорат ўрнатмагани учун «Андижон-1» станцияси вокзали бошлиғи Ҳ. Мирзакаримов вазифасидан бўшатилди ва шаҳар партия комитети бюроси қарорига кўра, ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилди.

Чет эллар да

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ! ИМПЕРИАЛИЗМ АГРЕССИВ ҚУЧЛАРИГА ҚАРШИ, ЯДРО УРУШИ ХАВФИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ УЧУН ҚУРАШНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИНГИЗ! ЯДРО, ХИМИЯ ҚУРОЛЛАРИ ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИНИ ТАҚИҚЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГИЗ!

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ЖИЛОВЛАЙЛИК, КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИБ, ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЁРҚИН МУВАФФАҚИЯТЛАР ДАЛИЛИ

УММОН. (ТАСС). Иордания пойтахтидаги энг яхши заллардан бири — «Олия» галереясида Ўзбекистон ССР декоратив-амалий санъати кўргазмаси очилди. Кўргазма Иордания — Совет дўстлиги кунларига тўғри келди.

Кўргазмада ҳаваскор рассомларнинг асарлари, республика енгил саноати маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Ўзбек шойисининг намуналари, миллий либослар, ёғоч ва металл ўймакорлиги томошабинларни қойил қолдирди. Улар ўзбек музика асбоблари билан, ўзбек графикларининг асарлари билан, республика полиграфия корхоналари ўзбек, рус, араб ва инглиз тилларида чиройли қилиб нашр этган китоблар қўйилган стендлар билан ғоятда қизиқиб танишдилар.

Ўзбек халқ «Лазги» ашула ва рақс ансамбли солистларининг концерти кўргазмани очиш маросимига алоҳида байрамона тус бағишлади.

АФҒОНИСТОНДА АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 6 ЙИЛЛИГИГА

КУРАШ ВА БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

Афғонистон Демократик Республикаси дўстлари билан биргаликда миллий-демократик революциянинг олти йиллигини нишонламоқда. 1978 йилнинг апрели афғон халқи тарихига ўрта аср қолоқлигидан социал тараққиёт сари кескин бурилишнинг бошланиши бўлиб кирди.

1978 йилнинг апрелида совет кишилари янги ҳаёт қуришга отланган афғон халқига мадад қўлини чўзди. Революция галаба қозониб, мамлакат тубдан ўзгариш йўлига қадам қўйди. Саур инқилобигача Афғонистон аҳолисининг 98 проценти саводсиз эди. Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг дастлабки муҳим тадбирларидан бири саводсизликка қарши кураш бўлди. Бугунги кунда бутун Афғонистон бўйлаб, барча вилоят ва қишлоқларда болалар учун мактаблар очилиб, катталар саводини чиқариш учун махсус курслар ишлаб турибди. Миллий кадрлар тайёрлашда дўст афғон халқига социализм мамлакатлари, шу жумладан Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда.

Афғонистон Халқ демократик партияси раҳбарлигида амалга оширилган Апрель революцияси меҳнаткашларни эксплуатациядан халос қилди. Халқ ҳокимияти ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг турмуш шаронтини яхшилаш йўлидан бормоқда. Мамлакатда уй-жойлар қурилмоқда, социал таъминот системаси яхшиланмоқда, бепул медицина хизмати кўрсатиш кенг йўлга қўйилмоқда. Саур инқилобидан буён ўтган олти йил шуни кўрсатмоқдаки, Афғонистон социал тараққиёт йўлидан дадил олға бормоқда.

Кескин синфий кураш кетаётганига қарамай, революцион ҳокимият мавқеининг мустаҳкамланиши ва Афғонистон Халқ демократик партияси таъсирининг ўсиши жараёни муттасил давом этмоқда. Мамлакатда халқ ҳокимияти ўрнатилганлиги революцион жараённинг янада чуқурлашувини таъминлаётир. Сўнгги пайтларда АХДП раҳбарлигидаги давлат ҳокимият органлари вилоят ва туманларда ўз позицияларини анча мустаҳкамлаб олдилар. Қуролли кучлар, давлат хавфсизлик органлари, халқ милицияси мустаҳкамланмоқда. Аксилинқилобчи тўдалар билан кураш олиб бораётган жангчилар сафига келиб қўшилаётган революция ҳимоясига отланган кўнгиллилар отрядларининг сафи кенгайиб бормоқда.

Бироқ империализм ва халқаро реакция кучларининг Афғонистон Демократик Республикасига қарши олиб бораётган эълон қилинмаган уруши катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Чунки, бу кучларнинг аралашуви туфайли Афғонистон тупроғида чинакам уруш кетяпти. Мамлакатдаги тузумни ағдариб ташлаш мақсадида босмачи тўдалар қуролландирилиб, суверен давлат территориясига юборилаётганини бошқача изоҳлаш қийин. АҚШ, Покистон ва бошқа айрим мамлакатларнинг бу агрессияда иштирок этаётганлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Афғонистоннинг революцион маъмурларига таслим бўлаётган босмачи тўдалар уларни чет эл махсус хизмат маҳкамалари ва ҳарбий идоралари уюштириб, бу ёққа юборишаётганини тан олмоқдалар. Босмачи тўдалар бошлиқларининг ўзлари ҳам Ғарб ва Афғонистонга қўшни айрим давлатлар раҳбар доиралари билан алоқада эканликларини яширмаяптилар. Вашингтон ва бошқа пойтахтлардаги масъул арбоблар ўз халқига қарши урушаётган «озодлик учун қурашчилар» деб аталувчи кимсаларга сахийлик билан пулдан ҳам, қуролярғдан ҳам ёрдам бермоқдалар.

Ана шу курашчиларнинг афғон еридаги жиноятлари халқ хўжалигига катта зарар етказмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг тинч аҳолиси жабр кўрмоқда. Шунинг учун ҳам аҳоли қўпорувчиларга зарба беришда революцион ҳокимиятга кўмаклашмоқда. АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Революцион Кенгаш Раиси Бабрак Кармал таъкидлаганидек, Совет Иттифоқининг қатъий ва изчил интернационал сиёсати янги ҳаёт қураётган афғон халқига куч-қувват ва ишонч бахш этмоқда.

Дарҳақиқат, Афғонистонда Совет Иттифоқининг кўмагини юксак қадрлашади. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик меваларини ҳар соҳада кўриш мумкин. Мисол тариқасида биргина шуни айтиш мумкинки, АДР давлат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг кўпчилиги Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган объектлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳамкорлик Афғонистон халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам улкан самаралар бермоқда.

Афғонистон душманлари ҳар қанча урингмасинлар, революцион жараённи орқага қайтара олмайдилар. АХДП ва АДР ҳукумати келажакка умид билан қараб, мамлакатда революцион ўзгаришларни чуқурлаштирмоқдалар. Инқилобнинг социал базаси кенгайиб бормоқда. Мамлакатда Миллий ватан фронти тузилиб, унинг сафларига ватанпарвар кучлар мустаҳкам жипслашди. Афғонистон инқилоби халқаро майдонда ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Афғонистон Демократик Республикаси революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда СССРнинг чинакам интернационал ёрдамига таяниб, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ва ривожланаётган давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни муваффақиятли ривожлантирмоқда.

Бизнинг жанубий қўшнимиз ҳа демай, Савр инқилобининг еттинчи йилига қадам қўяди. Афғонистон меҳнаткашлари учун бу йил ҳам қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун кураш ва бунёдкорлик йили бўлиши шубҳасиз. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдираётган республикамиз меҳнаткашлари дўст афғон халқига революцион ўзгаришлар йўлида янгидан янги муваффақиятлар тилайдилар.

А. ТУХТАСИНОВ.

Никарагуа халқи Сандиночилар миллий озодлик фронти (СМОФ) тевараги мустаҳкам бирлашиб, контрреволюция ва АҚШ империализмининг ҳар қандай кирдикорларига қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Бу сурат «Боэмия» журналидан олинган. Манагуадаги Революция майдонида митинг.

ТАСС фотохроникаси.

ФРЕЛИМО ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

МАПУТУ. Бу ерда ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди. Пленумда ФРЕЛИМО партиясининг ўтган йили апрелида бўлган IV съезди ўтказилган вақтдан буён Мозамбик партия органларининг иш якунлари муҳокама қилинди.

Партия ролини мустаҳкамлаш ҳамда корхоналар ва муассасалардаги партия ячейкаларининг фаолиятини кучайтириш партия иши соҳасидаги энг биринчи вазифа бўлиб қолиши керак, дейилади пленумда қабул қилинган резолюцияда. Армиянинг интизоми ва жанговар шайлигини ошириш учун қуролли кучларда ташкилий ишни яхшилашга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳужжатда аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ва ташкилий ишларни доимо ўтказиб туриш муҳимлиги қайд этилади. (ТАСС).

КУБАЛИК ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ ҚУРУВЧИЛАР ХОТИРАСИ

ГАВАНА. 23 апрель. (ТАСС). Озодлик ороли соҳилида Америка империализми Гренадага қуролли интервенция қилган вақтда ҳалок бўлган кубалик интернационал қурувчилар хотирасига обида ўрнатилди. Социалистик Кубанинг Гренада революцияси идеаллари учун ўз жонини фидо қилган вакилларининг фотопортретлари, Куба байроғининг тасвири, Гренада герби обидага туширилган. Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастронинг Гренадада Куба қурувчилари кўрсатган қаҳрамонона жасорат тўғрисида айтган гаплар тошга ўйиб ёзилган.

Империализмнинг мунофиқлиги фош этилмоқда

КОБУЛ. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотига аъзо бўлган Осиё мамлакатлари жамоатчилигининг вакиллари АДР уламолари ва руҳонийларининг конференциясида қатнашдилар. Ташкилот аъзоларининг маслаҳат кенгаши Афғонистон пойтахтида бўлиб ўтган эди.

Конференцияда сўзга чиққан Афғонистоннинг таниқли дин арбоблари мамлакатдаги мусулмонларнинг аҳволи тўғрисида, Афғонистон Халқ демократик партияси ва АДР Революцион ҳукумати дини исломни ҳурмат қилаётганлиги ҳақида, уларнинг диний эътиқод тўла эркинлигини таъминлаш борасидаги тадбирлари тўғрисида меҳмонларга гапириб бердилар.

АДР ислом дини ишлари бош бошқармасининг раиси Абдул Вали Ҳожат Ғарб оммавий ахборот воситалари Афғонистон раҳбарларининг сиёсатини қоралашга уринаётганликларини, уларнинг АДРдаги дини ислом тўғрисида мунофиқона «қайғураётганликларини» кескин танқид қилди. Америка империализми қўллаб-қувватлаётган аксилинқилобчи тўдалар сохта диний шиорлар билан ниқобланиб, Афғонистон диёрига ажал ва вайронгарчилик келтирмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳар бир диндор афғоннинг бурчи империализм гумашталарига зарба беришдан иборатдир, деди у. Демократик Яман ва Бангладеш вакиллари ривожланаётган мамлакатларни асоратга солиш, у ерларда реакцион тартиблар ўрнатиш, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган режимларни қўпориш учун АҚШ мусулмонларнинг диний эътиқодларидан фойдаланишга уринаётганликларини фош этдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети делегациясининг аъзоси Н. М. Зейналов СССРдаги мусулмонларнинг аҳволи тўғрисида гапириб, Озарбайжон ССРни мисол келтирди.

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Б. Кармал Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти маслаҳат кенгашининг қатнашчиларини қабул қилди. Улар ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ВИА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

● ХАНОЙ. Вьетнамнинг ВИА ахборот агентлиги хабар қилишича, кейинги кунларда Хитой томони Социалистик Вьетнам билан чегарада қуролли иғвогарликларни давом эттирмоқда. 18, 19 ва 20 апрель кунлари Вьетнам шимолидаги Куангнин, Лангшон, Каобанг, Хатуен, Хоангльеншон ва Лаейтяу вилоятларининг кўпгина районлари Хитой томонидан артиллерия — миномётлардан ўққа тутилди.

Хатуен, Куангнинь ва Лангшон вилоятларининг территорияси айниқса, шиддатли тўпга тутилди, деб уқтиради ВИА агентлиги. Бунда бир қанча ҳолларда чегарадан ўн километрдан ҳам олисроқ масофада жойлашган районлар ўққа тутилди. 18 апрелда катта бир иғвогарлик қилинди. Ўша куни Хитой солдатларининг бўлинмалари Хатуен вилоятидаги тепаликлардан бирини ишғол қилишга уриниб кўрдилар.

Хитой томонининг ҳаракатлари натижасида Вьетнам чегара районлари аҳолисига катта моддий зиён етказилди, кўп уй-жойлар, хўжалик ва жамоат биноларининг вайрон қилинди, экинзорларга ва ноёб дарахтларга жиддий зарар етказилди. (ТАСС, 23 апрель).

НИКАРАГУА БИЛАН БИРДАМЛИК

ПНОМПЕНЬ, 23 апрель. (ТАСС). Кампучия халқи Никарагуанинг АҚШ империализми ва қўғирчоқларининг Сандиночилар революцияси ғалабаларини тугатиш, халқ ҳокимиятини ағдариш йўлидаги уринишларига қарши олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватламоқда. Аминимизки Никарагуа ватанпарварлари ватан озодлиги ва мустақиллиги ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар, деб уқтиради Кампучиянинг СПК ахборот агентлиги.

Рейганнинг розилиги билан Марказий разведка бошқармаси жосуслари Никарагуа портларини миналаштираётганлиги, деб таъкидлайди СПК агентлиги, Вашингтон мазкур республикага қарши олиб бораётган эълон қилинмаган урушнинг энг ваҳшиёна методларидан биридир. Бу Америка маъмурияти дунёнинг турли районларида ўтказаётган давлат терроризми сиёсатининг янги яққол далилидир.

ЯНГИЛИКЛАР

Тикувчилик корхонаси

● **Қўриқ Баҳористон районида СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик фабрикасининг филиали барпо этилаётир.**

19-қишлоқ қурилиши трестининг 69-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи бу муҳим объектни шу йилнинг сентябрь ойида қуриб битказишга сўз берган.

Корхона қурилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлайди. Фабрика филиалида 270 нафар ишчи меҳнат қилади.

Айни пайтда районда ишчи мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. 254-қишлоқ ҳунар-техника билим юртида эса 40 нафар қиз тикувчилик-мотористклик касбини ўрганаётир.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Эл дастурхонига

● **Қўқон консерва заводи коллективи бу йил мева-сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган беш хилдаги янги консервалар ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.**

Жумладан, тутдан тайёрланган мураббо, салат қовурдоғи, ток барги консерваси, кўк помидор мураббоси ҳамда турли мева шарбатлари аралашмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Заводда меҳнат қилаётган матлуботчилар иш унумдорлигини ошириш ҳисобига план-мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришни мўлжалламоқдалар.

М. НОСИРОВ.

ОСИЕ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VIII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ТАҲСИН ВА ТАЪЗИМ

Нонна МОРДЮКОВА,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Тошкентда СССР Кинематографчилар союзининг кино санъатини пропаганда қилувчи Бутуниттифоқ бюроси уюштирган «Ўртоқ кино» музикали- театрлаштирилган программа намойиш қилинди. Унда бир-биридан мароқли совет фильмларида эсда қоладиган образлар яратган машҳур санъаткор, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Нонна Мордюкова ҳам қатнашди. Мухбиримиз кинофестивали ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди:

— Тошкент кинофестивали ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Олтмиш саккизинчи йилдан бери ўтказилиб келинаётган бу кинофестиваль, тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ишига катта ҳисса қўшяпти. Бир вақтлар Африка ва Лотин Америкаси кино санъатида социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашни тасвирлаган бадиий фильмлар кам эди. Тошкент кинофестивали сабаб бўлиб бу мавзуда кетма-кет картиналар экранлаштирила бошланди. Шуниси қувончлики, чет эллик дўстларимиз эзгу ниятларини ифодалашда машҳур санъаткорларнинг тажрибаларидан фойдаланишмоқда. Улар воқеликни шундоққина тасвирлаб қолмасдан, балки, у ҳақида ўзининг дадил фикрини айтишяпти. Энг муҳими, Тошкент кинофестивалининг даъвати ажойиб самаралар беряпти, ҳорижлик илғор фикрли дўстларимиз унинг маъно-моҳиятини яхши тушуниб ижод қилмоқдалар. Бу ҳаракат ҳали кўп эзгу самаралар беради.

Тошкент кинофестивали айни вақтда жаҳон халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашда, турли мамлакатлар санъаткорлари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликларга асос солиб, уларни янада ривожлантиришда қимматли роль ўйнаётир. Сўнгги йилларда кинематографчиларнинг ҳамкорликда экранлаштираётган фильмлари кўпайган экан, бунда мана шу анжуманнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Фестивалнинг яна бир муҳим фазилатини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Гап шундаки, Тошкент кинофоруминнинг баҳри ниҳоятда кенг. Бу ерда бўладиган учрашувларда дунёнинг ҳамма бурчакларидан санъаткорлар, меҳмонлар қатнашиши мумкин. Расмий қатнашадиган уч қитъанинг барча делегациялари теппа-тенг ҳуқуққа эга бўладилар. Яқиндагина ўзининг илк картинасини суратга олган мамлакат асрлар давомида ўзининг кино санъати билан доврўқ таратиб келаётган давлат қаторида ўз асарини намойиш эта олади. Давра суҳбатларида ўзининг фикр-мулоҳазасини баралла ўртоқлашади. Гапнинг қисқаси, Тошкент фестивалида конкуренция йўқ. Бу форум ҳақиқий дўстлик давраси, самимий, беғубор ижод баҳси, гурунгидир.

Ҳа, кинофестивалнинг имкониятлари катта. Шарофати улуғвор. Шунинг учун ҳам унга ҳамма интилади.

● **ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ**

Қарши шаҳридаги янги мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида юқори синф ўқувчиларидан 500 таси ўрганаётган 5 касбдан бири кулолчиликдир.

Суратда: ишлаб чиқариш таълими мастери Ботир Йўлдошев кулолчилик бўйича машғулот ўтказаётир.

Ш. Шаропов фотоси. (ЎзТАГ).

● СПОРТ ● СПОРТ ●

ТЕННИС ТАШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРНИР

ХАЛҚАРО ТУРНИР

СОВРИНДОРЛАР

Республика пойтахтининг «Динамо» теннис стадионида қарийб бир ҳафта давом этган халқаро турнир ниҳоясига етди. Турли мамлакатларнинг юзга яқин теннисчиси мамлакатимиз ўсмирлари қатори Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун ўзаро куч синашди. Анъанавий турнирнинг ўтказилиши мутахассислар учун айниқса маъқул тушмоқда. Улар иқтидорли теннисчиларни саралашга имкон топмоқдалар.

Мусобақада республикамиз ўсмирлари ўзига хос маҳорат мактабини ўтадилар. Бу сафарги турнирда тошкентлик Виктор Богатирев муваффақиятли ўйнади. У, 3—4-ўринлар учун калининградлик Александр Волков билан учрашиб, имкониятни бой бермаганда совринли ўринлардан бирини эгалларди. Йигитлар ўртасида ўтказилган якка учрашувларда таллинлик Андрес Висанд биринчи бўлди. Симферополлик Александр Черницкий иккинчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида москвалик В. Мильвицкая ғалаба қозонди. Жуфтлик ўйинларида В. Мильвицкая билан унинг ҳамшаҳри Н. Биковалар ғолиблик супасига кўтарилдилар. Ўсмирлар жуфтлигида ереванлик А. Шиважян билан ворошиловградлик Д. Будинийлар зафар қучдилар. Аралаш жуфтлик ўйинларида львовлик Татьяна Худа билан ужгородлик Иосиф Крачко совриндор бўлишди.

Тўплар ва очколар

● **ГИМНАСТИКА. Донецк шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида тошкентлик И. Бараксанованинг команда ҳисобидаги ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлигини хабар қилган эдик. У мутлақ биринчилик учун курашда учинчи ўринни эгаллади.**

● **ФУТБОЛ. Биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Жиззахнинг «Звезда» командаси бу сафар «Металлург» майдонида (0:2) имкониятни бой берди. Ҳозир «Колос» 7 очко билан олдинда бормоқда. Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида «Соҳибкор» ва «Ёшлик» командалари 7 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда.**

ХАТ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

АЙБ ФАҚАТ ДИРЕКТОРДАМИ?

Амударё районидаги А. Герцен номли ўрта мактабдан «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига кетмакет хатлар келди. Уларда таълим-тарбия ишларидаги жиддий нуқсонлар, мактаб директорининг ножўя хатти-ҳаракатлари тўғрисида гап борарди.

Яқинда биз редакция топшириғига биноан шу мактабда бўлдик. Хўш бу ерда нима юз берди?

Аввало, газетхон эътиборини муҳим бир фактга жалб қилмоқчимиз. Дастлабки хат юзасидан текшириш ўтказган Амударё район партия комитети ундаги фактларнинг «асосан» тасдиқланганлигини, текшириш якунлари1983 йил 2 мартда райком бюросида кўриб чиқилганини редакцияга маълум қилган эди. Бюро қарорига мувофиқ, мактаб директори Ж. Раҳимбоев, илмий ишлар бўлими мудири Т. Бозорбоев, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси Б. Урозметовлар вазифаларидан бўшатилганлиги ҳақида «Совет Ўзбекистони»нинг ўтган йил 29 март сонида хабар ҳам босилиб чиққанди.

Шу билан Герцен номли мактабдан келган хатларга нуқта қўйилиб, мавжуд хато ва нуқсонларнинг бартараф этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин эди. Негаки, райком бюроси фақат қарор қабул қилиш билангина иш ояланиб қолмай, унинг ижроси ҳақида астойдил қайғуриши керак эди.

Мана, райком бюроси муҳокамасидан кейин бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Афсуски, мактабда ҳалигача таълим-тарбия ишларида бирон тарзда ижобий ўзгариш юз бермади. Аксинча, нуқсонлар янада чуқурроқ илдиз отди. Фан кабинетлари, синф хоналари, спорт майдончалари, борингки, умуман мактаб кўримсиз аҳволда. Меҳнат ва аҳлоқ тарбиясини йўлга қўйишда, шунингдек, мактаб ички ҳаётида ҳанузгача талай камчиликлар мавжуд. Меҳнаткашларнинг мингдан ортиқ ўғил-қизлари таълим-тарбия оладиган бу даргоҳ бамисоли боғбонсиз қолган боққа ўхшайди.

Райком бюроси қарорининг самараси қани? Ундан кузатилган мақсад нега рўёбга чиқмади? Бу саволларга бизнингча жавоб битта. Райком қарор қабул қилган-у, унинг бажарилиши устидан пухта назорат ўрнатиш кераклиги ҳақида қайғурмаган. Агар, чуқурроқ ўйлаб кўриладиган бўлса, «бир группа ўқитувчилар»нинг ариза ва шикояти атрофидаги маш-машалар ҳамон давом этаётгани ҳам ана шунинг оқибати эмасмикан?! Редакцияга келган кейинги хатда асосий зарба «отдан тушган, лекин эгарга эпчиллик билан ёпишиб олган» собиқ директор Ж. Раҳимбоевга қаратилган. Хат авторлари уни мактаб директорининг бошланғич синфлар бўйича ўринбосари вазифасида ишламасин, акс ҳолда мактабдаги аҳвол изга тушмайди, — дейилади «бир группа» ўқитувчилар хатида.

Аммо педагогларнинг аксарияти бундай талабнинг ўринсиз ва адолатсиз эканлигини рўй-рост айтишди. Мактабнинг янги директори Г. Собирова, илмий ишлар бўлими мудири Б. Бекчонов, тажрибали ўқитувчилардан И. Абдуллаев, Я. Дўсиев ва бошқалар собиқ директор Ж. Раҳимбоев ўзига топширилган ҳозирги вазифани ҳалол, виждонан адо этаётганини таъкидлашди. Бу хил кафолатга асос — унинг ўз хатоларини тўла англаб етганлиги, ишчанлиги, фаоллиги ва жамоатчи эканлигидир. Биз суҳбатлашган педагогларнинг мулоҳазаларида коллектив ҳар бир аъзосининг хато ва нуқсонларини ҳам, ижобий жиҳатларини ҳам кўра билиш, бошқаларга нисбатан. холислик ва самимийлик яққол сезилиб турарди.

— Гап фақат директорда эмас, — дейди мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари, ветеран ўқитувчи А. Маткаримов. — Мактабда содир бўлган кўнгилсиз воқеалар ва таълим-тарбия ишларидаги жиддий нуқсонлар учун ҳаммамиз бирдай жавобгармиз. Коллективда ҳамжиҳатликка путур етди. — Группабозлик бошланиб, носоғлом муҳит вужудга келди. Интизом изидан чиқиб, ҳаммамиз масъул бўлган умумий ишга ҳалақит бермоқда. Собиқ директордан ранжиган бир нечта педагоглар, аслини олганда, шахсий ғараз учун турли ҳукумат идораларини беҳудага ишдан қолдириб, ўринсиз безовта қиляпти. Аризабозлик билан кўпчиликнинг фикрини чалғитяпти. Аризаларда эса янгилик йўқ, илгари текширилган фактлар такрорланади, албатта у бўрттирилади. Яна текшир-текшир, комиссия изидан комиссия... Хуллас, ҳунобгарчилик, безовталик, ишдан безиш. Бундай шароитда таълим-тарбия савиясини давр талаби даражасига кўтариб бўлмайди. Шахсиятпарастлик ва ғаразгўйликка чек қўйиш, аҳиллик ва ўртоқликни, юксак уюшқоқликни қарор топтириш вақти келди. Пировардида бу педагогика коллективимизнинг бурчи-ку, ахир.

Бу сўзларда жон бор. «Бир группа ўқитувчилар»ўз аризаларида нуқсонларни фош қилиш билан бирга, айни вақтда уларни бартараф этиш ҳақида сидқидилдан жон куйдирсалар чакки бўлмасди. Гарчи ўзларини «группа» деб атасалар ҳам, улар коллективнинг аъзолари-ку! Собиқ директорни бадном қилиш ва «эгардан туширш» билан иш битмайди. Бу йўл билан мактабда тартиб-интизом ҳам изга тушмаслиги аён. Аксинча, педагогика коллективи ўртасида соғлом муҳитни, ишчанлик ва ижодкорлик вазиятини яратиш зарур. Бунинг учун дирекция, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, коллективнинг барча аъзолари бир ёқадан бош чиқариб, жўшқин фаолият кўрсатишлари лозим.

Чунончи, тарбиячи ўқувчига ҳар томонлама ўқитувчи бўла олсагина унинг қалбига йўл топа олади. Бунинг учун Карл Маркс айтганидек, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Ўзи, ўқитувчининг қалби булоқ сувидек тоза, нияти холис бўлиши лозим. Шунда у ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек шарафли вазифани уддалай олади. Зеро, ўқитувчининг чеҳрасига озгина гард қўнса ёки шаънига андак доғ тушса, у дарров кўзга ташланади, эл назаридан қолади.

Кези келганда мактаб бошланғич партия ташкилоти педагоглар ўртасида тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлигини, ҳатто райком бюроси қарорининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилмай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Ахир мактабда ташвишли аҳволнинг юз беришига аввало коммунистлар айбдор эмасми?! Бу ердаги вазиятни район халқ маорифи бўлими раҳбарлари ҳам фақат эътироф этишдан нарига ўтишмаётгани таажжуб.

Ўйлаймизки, район партия комитети ўзи қабул қилган қарорнинг оғишмай бажарилиши, мактабда таълим-тарбия ишлари савияси оширилиши юзасидан шошилинч чора кўради, педагогларнинг юксак интизом, бурчга садоқат руҳида тарбияланиши учун ҳамма зарур тадбирларни собитқадамлик билан амалга оширади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
М. АВЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

▲ **Андижон пойабзал фабрикасида ўн биринчи беш йилликнинг бошида тайёрлов цехининг 4 та коллективи бригада пудрати асосида ишлашга ўтган.**

БРИГАДА ПУДРАТИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳозир фабрикада шу усулда ишлашга ўтган бригадалар сони 17 тага етди. Янги усулнинг афзаллиги бугун ҳамма жойда намоён бўлмоқда. Меҳнат ва технология интизоми яхшиланди, кўпгина ишчилар бир нечтадан касбда ишламоқдалар.

Пойабзалчилар шу туфайли ойлик, квартал, йиллик планларини мунтазам ошириб бажармоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Меҳнат Қизил Байроқ орденли
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун
КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ВА СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: микробиология, акушерлик-гинекология, одам анатомияси, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, ички касалликлар, кардиология, гигиена, кўз касалликлари, нормал физиология, стоматология, фармакология, хирургия, аллергология ва иммунология, анестезиология;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: стоматология, фармакология, аллергология ва иммунология;

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

акушерлик ва гинекология (5 ўрин), ички касалликлар (4), ревматология (2), кардиология (2), қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (2), хирургия (6), анестезиология, урология (2), педиатрия (2), нейрохирургия, травматология ва ортопедия, болалар хирургияси, асаб касалликлари, психиатрия, стоматология (5), онкология, кўз касалликлари (2), фтизиатрия, эндокринология (2), нефрология, гематология, аллергология, соғлиқни сақлашни ташкил этиш, медицина радиологияси ва рентгенология, юқумли касалликлар, касб патологияси, физиотерапия, даволаш-физкультура кабинети, клиник фармакология (2), тери-венерик касалликлари;

СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА

биохимия, анатомия, патологик-анатомия, патологик физиология (2), фармакологгия (3), топологик анатомия (2), нормал физиология, гистология, иммунология, медицина генетикаси, гигиена (4), микробиология, эпидемиология.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқишга кириш учун конкурсда 35 ёшдан ошмаганлар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 45 ёшгача бўлганлар, клиник ординатурага 35 ёшгача бўлганлар, стажёр-тадқиқотчиликка эса 30 ёшгача бўлганлар қатнашишлари мумкин.

Клиник ординатурага интернатурани битирганидан сўнг соҳаси бўйича камида 3 йиллик амалий иш стажига эга бўлганлар, кундузги ва сиртқи аспирантурага, стажёр-тадқиқотчиликка эса интернатурани тугатганидан сўнг камида 2 йиллик амалий иш стажига эга бўлганлар қабул қилинадилар.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: институт ректори номига ёзилган ариза, область соғлиқни сақлаш бўлимидан йўлланма, характеристика, диплом нусқаси, таржиман ҳоли, соғлиги тўғрисидаги медицина справкаси (286-форма), 3 дона фотосурат, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа (печать билан тасдиқланган). Аспирантурага кирувчилар танлаган темалари бўйича реферат ёки эълон қилинган ишлари рўйхатини топширадилар.

Ҳужжатлар 15 майгача қабул қилинади.

Аспирантурага кириш имтиҳонлари 1—30 июнь кунлари ўтказилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700033, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 103-уй, Тошкент давлат медицина институти, аспирантура бўлими.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг
«АЛГОРИТМ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: техника кибернетикаси ва ахборот назарияси, системалар назарияси ва системали таҳлил, техника воситаларини синовдан ўтказиш;

катта илмий ходимлар: ахборотлар тармоқлари, узеллари ва уларни тақсимлаш, электрон-ҳисоблаш машиналари, комплекслар ва системаларда, системали программалаштиришда структураларни ташкил этиш ва ҳисоблаш жараёнлари;

кичик илмий ходимлар: радиотехник қурилмалар ва системалар, ҳисоблаш машиналари ва системаларда математик таъминлаш, алоқа каналлари бўйича ахборотларни узатиш назарияси системалари ва қурилмалари, ахборотларни узатиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари.

Конкурс муддати — 4 майгача.

Конкурслар тўғрисидаги қоидаларга биноан ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй, Телефон 62-59-52.

ХИМИЯ ВА ПАХТА САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (НИИХТЦ)
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораторня мудирлари: юзаки-актив, тўқимачиликёрдамчи моддалар ва целлюлоза тўлдирувчилари технологияси, тўқимачиликда қайта ишлаш, безаш ва бўяш технологияси;

сектор мудири: химиявий толалар ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш.

Конкурсда кўрсатилган ихтисослар бўйича илмий-ишлаб чиқариш стажига эга бўлган фан докторлари, фан кандидатлари қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 11 майгача.

Ҳужжатлар директор номига қуйидаги адресга жўнатилсин: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 1-«а» уй.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24|IV да **Фауст**, 25|IV да **Тўмарис** (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Зебуннисо**, 25|IV да **Зебуннисо**.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти коллективи институт текстология бўлимининг мудири, филология фанлари доктори С. Эркиновга онаси

Фазилатхон ОЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети аппарати раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари бўлим мудири М. Р. Раззоқовга онаси

Онабиби ЮНУСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Буратино кўргазмаси. 10.05 — Ретро. Фильм-спектакль. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильмлар. 16.00 — Фильм-концерт. 16.20 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.50 — Сонетлар. 17.25 — Горничлар, қаердасиз! 17.55 — Стадион ҳамма учун. 18.25 — Телефильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильмлар. 19.55 — Фан ва турмуш. 20.45 — Волга Давлат рус халқ хорининг чиқиши. 21.30 — Время. 22.05 — Нима? Қаерда? Қачон? 23.35 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 12.05 — Шахмат мактаби. 14.10 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 15.10 — Илмий-оммабоп фильм. 15.30 — В. Шекспир. 1-қисм. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.30 — Тележурнал. 20.05 — Хоккей. Крилья Советов — Динамо (Москва). 21.30 — Время. 22.05 — Қўғирчоқдай. Бадиий фильм. 1-серия. 23.20 — Хоккей. Спартак — Трактор.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Пионерлар мамлакатида. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.20 — Олмос камар. Видеофильм. 1-қисм. 23.25 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15 — МОСКВА-II. 18.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.50 — Қўлни бер, ўртоқ! 19.30 — Ўқув программаси. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ўқув программаси. 21.00 — Телефильм. 21.30 — МОСКВА-II.

25 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.05 Телефильм. 10.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 11.10 — Саёҳатчилар клуби. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 —Халқ куйлари. 16..25 — Любовь Яровая. 17.20 — Концерт. 18.00 — ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.35 — Спорт ҳафталиги. 20.05 — Ўжар қизнинг қуюлиши. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. СССР — Венгрия. 23.45 — Агар соғлом бўлай, десанг. 24.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Оила ва мактаб. Тележурнал. 14.55 — Илмий-оммабоп фильм. 15.20 — В. Шекспир. 2-қисм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Оқшом тароналари. 19.40 — Телефильм. 20.55 — Дунё ва ёшлар. 21.30 — Время. 22.00 — Қўғирчоқдай. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Телефильм. 10.50 — Мультфильм. 11.00 —Санъат ғунчалари. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Ўсмирлар учун. Орзу. 19.00 — Концерт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Манзарали фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.00 — Бугун оламда нима гап? 22.15 —Олмос камар. Видеофильм. 2-серия. 23.15 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.40 — МОСКВА-II. 18.15 — Ўқув программаси. 18.45 — Телефильм. 19.15— Ассалом, Наврўз! 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ассалом, Наврўз! (давоми). 21.00 — Маҳорат йўли. 21.30— МОСКВА-II.

РАДИО

24 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиғим бор, қўшиғим. Концерт. 9.30 — Дўстлик байроғи. 12.10 — Транспорт ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 19.25 — Ёшлик. 22.30 — Санъат усталари ижро этади.

25 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Навоий лирикаси. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Инсон ва қонун радиожурнали. 11.35 — Баҳор тароналари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 19.25 — Музикали танаффус. 20.50 — Шеърият радиоальманахи. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Татар халқ қўшиқлари.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.